БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

42-йил чиқиши № 47 (11.493). | 25 февраль, пайшанба, 1960 йил. | Баҳоси 20 тийин.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев Индонезиянинг «Гажа Мада» миллий университетида сўзлаган нутқида айтдики, Совет ҳукумати Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларига ўз миллий кадрларини—инженерлар, қишлоқ хўжалик мутахассислари, врачлар, ўқитувчилар, экономистлар ва билимларнинг бошқа соҳаларига доир мутахассисларни тайёрлашда ёрдам кўрсатиш ниятида Москва шаҳрида Халқлар дўстлиги университети таъсис этишга қарор қилди. Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги кўп мамлакатларнинг прогрессив жамоатчилик доиралари ва ҳукумат доиралари, шунингдек айрим граждалари ўз миллий кадрларини Совет Иттифоқи ўқув юртларида тайёрлашни кенгайтиришни сўраб неча марталаб мурожаат қилганликлари сабабли бу қарор қабул қилинди. Бир қанча совет жамоат ташкилотларининг ана шу мамлакатлар ёшларига СССРда билим олиш учун кенгроқ имконият яратиб бериш тўғрисидаги истаклари ва таклифлари ҳам эътиборга олинди.

Халқлар дўстлиги университети Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитети, Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамиятлари союзи ва Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий совети ҳузурида ташкил этилади.

Университетда ўқиш муддати 4 йил, медицина фанлари бўйича эса, 5 йил қилиб белгиланди.

Зарур тайёргарлиги бўлмаган ёшлар учун университет составида тайёрлов факультети тузилади. Бу факультетда ўқиш муддати 1 йилдан 3 йилгача бўлади. Тайёрлов факультетида университетга кириш учун зарур бўлган умумий таълим предметлари ва рус тили ўрганилади. Тайёрлов факультетида ўқиш муддати кирувчиларнинг умумий билим тайёргарлигига қараб белгиланади.

Халқлар дўстлиги университетига ёшги 35 гача бўлган ҳамда ҳар қандай ирқ, миллат ва динга мансуб бўлган эркак ва хотин-қизлар қабул қилинади. Қабул аризаларини тегишли мамлакатлардаги жамоат ташкилотлари ва ҳукумат муассасалари орқали, СССРнинг ана шу мамлакатлардаги элчихоналари ва консулхоналари орқали топшириш мумкин, шунингдек тўғридан-тўғри университетнинг ўзига юбориш мумкин.

1960 йилда 500 киши қабул қилинади. Шундан кейинги йилларда университет студентларининг умумий сони 3—4 минг кишига етказилади.

Халқлар дўстлиги университетида ўқиш бепул бўлади. Университет барча студентларни стипендия билан, бепул медицина хизмати ва умумий ётоқхона билан таъминлайди, студентларнинг Москвага келиш ва ўз юртига қайтиш харажатларини ўз зиммасига олади.

Университет студентлари учун рус тилида ва Осиё, Африка ҳамда Латин Америкаси халқлари тилларида зарур дарсликлар ва ўқув қўлланмалари нашр этилади.

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитети, Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамиятлари союзи, Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий совети, СССР ёшлар ташкилотлари комитети ҳамда СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги вакилларидан иборат университет совети Халқлар дўстлиги университетига раҳбарлик қилади.

Университет ўқитувчилик қилиш учун Осиё, Африка, Латин Америкаси ва бошқа мамлакатларнинг таниғли олимларини таклиф этади.

ДЎСТЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАЙДИГАН ВИЗИТ

ЖОКЬЯКАРТА, 22 февраль. (ТАСС). Н. С. Хрушчев Индонезия-СССР дўстлиги жамияти Жокьякарта бўлимининг делегациясини қабул қилди. Делегация аъзолари Совет ҳукумати бошлиғига эсдалик совғаси топширдилар. Н. С. Хрушчев бу совға учун самимий ташаккур билдирди.

Н. С. Хрушчев «Гажа Мада» университетининг ректори Саржитога дўстона мактуб юборди.

Мактубда бундай дейилади:

Ҳурматли ректор жаноблари, университетингизнинг профессорлари, ўқитувчилари ва студентлари бизни самимий кутиб олганликлари учун Сизга чин кўнгилдан ташаккур изҳор қилишга ижозат бергайсиз. Сиз раҳбарлик қилаётган фан ўчоғида билимларни эгаллаётган бир минг беш юз студент янги буюк Индонезиянинг бўлажак бинокорларидир.

Жокьякарта шаҳри университет коллективига катта муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз. Университетингиздаги профессорлар, ўқитувчиларнинг совет олий ўқув юртларидаги профессорлар, ўқитувчилар билан ижодий алоқаси, шунингдек бир-биримизга студентлар юбориб туриш халқларимизнинг маданиятини ўзаро бойитишга ёрдам беради ва фаннинг тараққиётига кўмаклашади. Ана шу ҳамкорликнинг символи сифатида рус ва чет тилларда нашр этилган китоблар кутубхонасидан иборат эсдалик совғамни қабул қилишингизни сўрайман.

Самимий ҳурмат билан
Н. ХРУШЧЕВ.

1960 йил 22 февраль.

Н. С. ХРУШЧЕВ ИНДОНЕЗИЯДА

ДЕНПАСАР, 23 февраль. **(ТАСС махсус мухбири).** Бугун Н. С. Хрушчев, президент Сукарно ва уларга ҳамроҳ бўлган кишилар Бали оролининг маркази — Денпасарга келдилар. Аэродромда ҳурматли совет меҳмони тантанали суратда кутиб олинди. Бали оролининг губернатори Довуд Шоҳ, оролдаги ҳарбий ва граждан маъмурларнинг олий вакиллари Н. С. Хрушчевни табрикладилар. Индонезия урф-одатига кўра, Н.С. Хрушчев ва президент Сукарнога тўқ-қизил гуллардан ясалган шодалар тақилади. Оролнинг ранг-баранг миллий либос кийган аҳолиси совет меҳмонини шод-хуррамлик билан табриклайди. Аэродромдан Н. С. Хрушчев учун ажратилган резиденциягача қадар бўлган бутун йўлда Денпасар шаҳри ва шаҳар атрофидаги қишлоқларининг ўн мингларча аҳолиси азиз совет меҳмонини қизғин табриклайди.

ЛЕНИН ВАХТАСИДА

ҚУРУВЧИЛАР СОВҒАСИ

3-қурилиш бошқармасини нг коллективи бутун Олмалиққа донг таратган. Бу бошқарманинг азамат механизаторлари ўтган йилнинг бошидан охиригача илғорликни қўлдан бермай келдилар. Улар шу кунларда меҳнатда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб ишламоқдалар.

Ўртоқ Сопляков бошлиқ экскаватор экипажи қишда ҳам ёз ойларидаги суръат билан ер қазимоқда. Ўртоқ Водолазский бошлиқ бригада аъзолари ҳам улардан қолишмасликка ҳаракат қилаётирлар. Улар ҳозирнинг ўзидаёқ квартал топшириғини бажариб қўйдилар.

ЦЕМЕНТ МЎЛ БЎЛАДИ

М. В. Фрунзе номидаги цемент заводининг ишчилари етти йиллик қурилишлари учун энг зарур материал бўлган цементни мўл-кўл ишлаб чиқариш учун кучларини аямаётирлар.

Машинист Исо Бакиров, мастер Иван Селиваненко, цемент янчиш тегирмони машинисти Анастасия Бакланова, навбатчи слесарь Федор Бранинг, машинист Раҳимберди Тешабоев ва бошқа ўнлаб ўртоқлар смена топшириқларини доимо 180 — 190 процентдан бажариб келаётирлар.

1200 ЦЕНТНЕР БЎРДОҚИ ГЎШТИ

Андижон область, Қўрғонтепа районидаги колхоз ва совхозларнинг чорвадорлари гўшт сотиш юзасидан 1960 йил биринчи квартал планини муддатидан олдин бажардилар. Район чорвадорлари ҳаммаси бўлиб давлатга 1200 центнердан зиёд биринчи сорт гўшт топширдилар. «Совой» совхози ва Ленин номли, Киров номли, Ильич номли колхозлар планни нуқул бўрдоқига боқилган чўчқа ва қорамол гўшти ҳисобига бажардилар.

Район чорвадорлари гўштни кўпайтиришнинг муҳим омили — чўчқачиликни ривожлантириш ва молларни бўрдоқига боқишга катта эътибор бермоқдалар. Машҳур чўчқабоқар Я. Чиж ва Ж. Султонов изидан бораётган Киров номли, Ильич номли колхозларнинг чўчқабоқарлари Ф. Кремер ва Е. Власовлар бу йил 200 тадан чўчқани бўрдоқига боқишга аҳд қилдилар.

Ж. МАДУМАРОВ.

«ДАЛА МАЛИКАСИ» МАККАЖЎХОРИ МАЙДОНИ ТОБОРА КЕНГАЙМОҚДА. КАЛИНИН РАЙОНИДАГИ СТАЛИН НОМЛИ КОЛХОЗДА БУ ЙИЛ АНА ШУ ҚИММАТЛИ ЭКИНДАН АНЧА ЮҚОРИ ҲОСИЛ ЕТИШТИРИЛАДИ. СУРАТДА: ЗВЕНО БОШЛИҒИ ЎРТОҚ ИҚБОЛ ЁҚУБОВА У ЭНГ ТЎҚ ВА СЕРДОН СЎТАЛАРНИ УРУҒЛИК УЧУН ТАНЛАЁТИР.

И. Глауберзон фотоси

ИККИ ОЙДА БИР ЙИЛЛИК ГЎШТ

ШАҲРИСАБЗ, **(Қизил Ўзбекистон» мухбиридан).** Райондаги Карл Маркс номли колхоз чорвадорлари давлатга гўшт топшириш йиллик планини 23 февралда ошириб бажардилар. Пландаги 66 тонна ўрнига 70 тонна гўшт топширилди. Шундан 21,5 тоннаси чўчқа гўштидир. Республика партия съезди ва пахтакорлар қурултойи қарорларидан руҳланган колхоз чорвадорлари йил охиригача давлатга 130 тонна гўшт топширишга, шундан 90 тоннасини чўчқа гўшти ҳисобига сотишга аҳд қилдилар.

Бўрдоқи фермаларининг мудирлари Чоршанбиев, Ҳамроев ўртоқлар иккинчи навбат бўрдоқига қўйилган 80 бош қорамолнинг ҳар бирини кунига 1,5 килограмм, чўчқабоқар ўртоқ Гетман чўчқаларнинг ҳар бирини кунига 800 — 900 грамм семиришини таъмин этмоқдалар. Гўштга топширилган ҳар бир қора молнинг ўртача оғирлиги 239 килограмм, чўчқаларнинг ҳар бири 102 килограммга етади.

МЎЛ ҲОСИЛ ҚУРАШИ ҚИЗИДИ

Тўрақўрғон районидаги «Гигант» колхози пахтакорлари етти йилликнинг иккинчи йили кўкламини пухта тайёргарлик билан кутиб олмоқдалар. Колхоз аъзолари 3101 гектар майдоннинг ҳар гектаридан камида 35 центнердан пахта етиштиришга қарор қилишди.

Ҳозир 23 от-арава ва 15 автомашина билан далага кунда 260—275 тонна маҳаллий ўғит чиқарилаётир. 4910 тоннадан ортиқроқ гўнг махсус чуқурларда чиритилмоқда.

Марказий Фарғона массивидан яна 150 гектар ер ўзлаштирилиб, бу йил чигит экилади. Ҳозиргача 1600 гектар ерга яхоб берилди.

Ленин вахтасида туриб ишлаётган механизаторлар 12 та ҳайдов, 21 чопиқ тракторини, шунингдек бошқа қишлоқ хўжалик машина-асбобларини кўкламга тахт қилиб қўйдилар.

Х. ХОЛБОЕВ.
А. АБДУЛЛАЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ХОДИМЛАРИ АКТИВИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

Тошкентда алоқа ходимлари активининг республика йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш қатнашчилари 1959 йилги иш якунлари ва 1960 йилги вазифалар тўғрисида алоқа министри М. А. Шарковнинг докладини эшитдилар.

Ўзбекистон алоқачилари и н и н г 1960 йилги социалистик мажбуриятларини муҳокама қилдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари М. А. Абдураззоқов нутқ сўзлади.

Актив ишида О. А. Алимов, Е. С. Насриддинова, Ш. Р. Рашидов ва Ф. Е. Титов қатнашдилар. (ЎзТАГ).

ЛЕНИН БАЙРОҒИ ОСТИДА

Шу кунларда бутун меҳнат аҳлининг тилида ва дилида дунёда энг азиз, энг улуғ инсон Владимир Ильич Ленин номи яна ҳам зўр ҳаяжон билан такрорланмоқда. Совет халқи ва бутун тараққийпарвар инсоният В. И. Ленин туғилган кунга 90 йил тўлишини шодиёна нишонлашга тайёрланаётир.

В. И. Ленин Коммунистик партиянинг ташкилотчиси ва доҳиси, Совет давлатининг асосчиси, бутун дунё меҳнаткашларининг севикли устози, дўстидир. Давримизнинг асосий мазмуни — капитализмдан социализмга ўтишдан иборат. Бу давр инсоният тарихида тубдан бурилиш ясаган ва В. И. Ленин номи билан мустаҳкам боғланган Улуғ Октябрь социалистик революцияси кунларида бошланган эди.

Марксизм-ленинизм байроғини биринчи бўлиб кўтарган совет халқи коммунизм қурмоқда. СССРда социализм узил-кесил ва тўла-тўкис ғалаба қозонди. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси улуғ Ленининг революцион таълимотига таяниб, марксизм-ленинизмни янги тарихий шароитларга тадбиқан ижодий ривожлантириб, коммунизмнинг модий-техника базасини вужудга келтириш соҳасида жуда катта тадбирларни муваффақиятли суратда амалга оширмоқда. В. И. Ленининг революцион қураши, ташкилотчилик ва назарий фаолияти, унинг социалистик революция ҳақидаги назарияси ҳамда у асослаб берган коммунизм қуриш программасининг буюк тарихий аҳамияти ҳозирги даврда яна ҳам равшан намоён бўлмоқда.

Марксизм-ленинизм ғоялари билан суғорилган социалистик тузум тинмай довон ошмоқда. Бизнинг ғолибона йилларимиз тизма тоғларга ўхшаб, бири-биридан буюк ва юксакдир. Етти йилликнинг тўнғич йили—1959 йилда СССР халқ хўжалиги барча соҳаларида шундай юксакликка кўтарилдики, бунга бутун дунё яна бир карра қойил қолди. Уч совет ракетаси космосга учирилди. Булардан бири Қуёшнинг йўлдоши бўлиб қолди, иккинчиси ўроқ ва болға белгили Совет Иттифоқи герби суратини Ойга олиб чиқди. Учинчи ракетамиз Ойнинг бизга кўринмайдиган орқа томонини суратга олиб, ер юзидаги барча инсонларга намойиш қилди. Атом кучи билан ишлайдиган қудратли «Ленин музёрари» кемамиз денгизга туширилди. Кўп боскичли янги кучли ракеталар муваффақиятли суратда синаб кўрилди. Бир томчи сувда бутун олам акс этганидек, ана шу мўъжизаларнинг ҳар бирида Совет давлатининг буюк куч-қудрати кўриниб турипти. Бу мўъжизаларни биринчи бўлиб Совет давлати яратди!

Марксизм-ленинизм байроғи остига уюшган барча социалистик мамлакатлар тараққиётнинг кенг ва ёруғ йўлидан шаҳдам қадамлар билан олга бориб, муваффақиятли равишда социализм қурмоқдалар. Коммунизм қураётган Совет Иттифоқи, социализм қураётган бошқа социалистик мамлакатларнинг халқаро обрўси ва роли тобора ошмоқда, марксизм-ленинизмнинг жозиба кучи тинмай кучаймоқда.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг, бутун социалистик лагернинг ленинча тинчликсевар актив ташқи сиёсати халқаро кескинликни юмшатишга ва ер юзида мустаҳкам тинчлик учун курашни кучайтиришга олиб келмоқда. Социалистик ва демократик системалари турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаши ғояси ер юзида тобора кўпроқ кишиларнинг қалбини эгалламоқда. Тўла ва бутқул қуролсизланиш, урушга тамомила барҳам бериш ғояси ғалаба қилмоқда.

В. И. Ленин айтганидек, капиталистик система қулаб кетмоқда, шармандали мустамлакачилик системаси тугаётир. Барча халқлар озодлик, тараққиёт сари бораётир.

КПСС XXI съезди Ленин таълимотларини янги шароитда ижодий ривожлантириб, коммунистик қурилишнинг улуғвор программаси ҳамда бу программани амалга ошириш йўлларини белгилаб берди. Партия эндиликда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 15 — 20 йилга мўлжалланган перспектив плани устида ишламоқда. Бу планда Ленин қўйган улуғ вазифа, яъни коммунизм қурилишини кенг авж олдириш калиди бўлган бутун мамлакатни электрлаштириш ишини тугаллаш кўзда тутилади. Халқимиз янги давр — мамлакатимизда коммунизм қурилишини кенг авж олдириш даврининг шарафли ва улуғвор вазифаларини гоят зўр ғайрат, шижоат ва донолик билан муваффақиятли амалга оширмоқда.

Улуғ Ленин ғоялари ва ишлари ҳар бир совет оиласининг ҳаётида мужассамдир. Барча иттифоқчи республикаларнинг ҳар томонлама яшнаётганлиги Коммунистик партия ленинча миллий сиёсатни огишмай амалга ошираётганлигини исботловчи ёркин далилдир. Буюк оиланинг тенг ҳуқуқли аъзоси Ўзбекистон ССР меҳнаткашлари ҳам коммунизм қурилишига мўносиб ҳисса қўшмоқдалар. Республикада саноат ялпи маҳсулоти ҳажми 1959 йилда 1955 йилдагига нисбатан 30 процент кўпайди, огир индустрия маҳсулоти эса 77 процент ортди. Ўтган йил барча Халқ хўжалиги кенгашлари ўзларининг социалистик мажбуриятларини шараф билан бажардилар. Меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулотнинг таннархини камайтириш топшириқлари ошириб бажарилди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда анча муваффақиятга эришдилар. Пахта етиштиришда илгари мисли кўрилмаган даражага эришилди. Халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам катта муваффақиятлар қўлга киритилди.

Совет ижтимоий ва давлат тузуми халқ бахт-саодатини тинмай ошириб бориш имкониятини беради, кишиларни тобора янги зафарларга илҳомлантиради. Етти йилликда совет Ўзбекистони яна ҳам юксалади. Республикамиз меҳнаткашлари етти йилликнинг иккинчи йили вазифаларини ҳам шараф билан бажариш учун зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Бутун мамлакатимиздаги сингари, Ўзбекистон корхоналарида, колхоз ва совхозларида, қурилишларида В. И. Ленин туғилган кунга 90 йил тўлиши муносабати билан Ленин вахтасида туриб ишлаш кенг авж олмоқда. Ишчилар, колхозчилар, интеллигентлар янада яхшироқ ишлаш билан Ватанимиз бойлигини, куч-қудратини оширишга кўпроқ фойда етказиш учун социалистик мусобақани кизитмоқдалар.

Олижаноб мақсадимиз — коммунизм қуриш учун Ленин таълимотлари билан яхши қуролланган бўлишимиз, партиямизнинг қарорларини яхши билишимиз зарур. Социалистик ишлаб чиқариш муносабатларини мукаммаллаштириб бориш, техникани тинмай тараққий эттириш, халқ хўжалигининг барча соҳаларида механизация ва автоматизацияни кучайтириш, социалистик мажбуриятларимизни шараф билан бажариш учун кундалик ишларнинг тўла бажарилишига эришиш — В. И. Ленин хотирасига энг муносиб совға бўлади.

Шу билан бирга республика партия ташкилотлари лекциялар, докладлар, суҳбатлар уюштириш, матбуот, радио, телевидение, кино, кўргазмали воситалар орқали В. И. Ленининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида, марксизм-ленинизмнинг тантанаси ҳақида меҳнаткашлар ўртасида кенг тушунтириш ишларини кучайтиришлари керак.

Совет халқи ўзини Ленин йўлидан, коммунизмнинг тўла ғалабаси сари олиб бораётган Коммунистик партияни чексиз севади ва қўллаб-қўлтиқлайди. Ўзбекистон Коммунистик партиясининг яқинда бўлиб ўтган XV съезди республика партия ташкилотининг жанговарлик салоҳияти, монолитлиги, ленинизмнинг улуғ байроғига ҳамиша содиқлигини зўр намойиш қилиб кўрсатди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг съездга ҳисоботида қуйидаги ажойиб сўзларни ўқийсиз:

Абадий барҳаёт Ленин ҳамиша биз билан бирга! Халқимизнинг, жонажон Коммунистик партиямизнинг ҳамда содиқ ва матонатли ленинчи Никита Сергеевич Хрушчев бошчилигидаги партиямиз ленинчи Марказий Комитетининг ҳамма ишида Ленининг доҳийлиги, Ленининг донишмандлиги, Ленининг иродаси, ленинча инсонпарварлик яққол кўриниб турипти.

ДЎСТЛИК ИПЛАРИ ПИШИҚ

ИВАНОВО, **(«Қизил Ўзбекистон» махсус мухбиридан).** Рус ўлкасининг бу гўзал ерлари қор билан қопланган. Уч кундан бери бўралаб ёғоётган қор бугун эрталабга яқин тинди ва қуёш чарақлаб кетди...

Қадим замонлардан бери ўзининг пишиқ ҳам нафис газмоллари, кашталари, шу буюмларни зўр ихлос ва моҳирлик билан яратаётган тўқувчилари билан шуҳрат таратган Иваново меҳнаткашлари ўзбекистонлик мусобақадошларни қучоқ очиб кутиб олдилар.

Буюк революцион воқеаларга бой, бўронли йилларда революционерларнинг бутун бир авлодини тарбиялаган бу ўлканинг меҳнаткашлари билан ўзбек халқи ўртасидаги дўстлик қадимдан бошланган. Бироқ капиталистлар бу дўстлик куртакларининг ривожини бўғиб келдилар.

Энди-чи, энди шонли Коммунистик партия Ватанимиз халқлари ўртасидаги дўстлик ипларини абадий узилмайдиган қилиб пишитди. Дўстларнинг бир-бирларига ҳамжиҳатлиги, биродарлиги метиндек мустаҳкамланди.

Яқинда Иваново тошкентлик бир группа саноат ходимлари меҳмон бўлиб келдилар. Тошкент маъмурий-иқтисодий райони Халқ хўжалиги кенгаши делегацияси Иваново шаҳридаги жуда кўп корхоналарга бордилар. Бу ерда ўтказилган область саноат ходимлари кенгашида қатнашиб, мусобақадош ивоноволикларни юрак сўзлари билан табрикладилар.

Россия Федерациясининг бу катта области тўқимачилик маҳсулоти ишлаб чиқаришда бутун жаҳонга шуҳрат таратган. Ивановоликлар етти йилликнинг иккинчи йилида пландан ташқари 300 миллион сўмлик турли хил маҳсулот ишлаб чиқариш учун социалистик мусобақага қўшилдилар.

— Бу йил областимиз фабрикаларида пландан ташқари 25 миллион метр газмол ишлаб чиқарилади,— дейди Иваново Халқ хўжалиги кенгаши раиси Е. Т. Алексеев, — ҳозир тўқувчиларимиз ҳар куни белгиланганидан қарийб 100 минг метр кўп рангбаранг газмол тўқимоқдалар.

Тошкентлик меҳмонлар нафис ва пишиқ газмолларни кўздан кечирар эканлар, юракдан қувондилар. Ахир, қувонмай бўладими, булар ўзбек «оқ олтини»дан тўқилган!

Чиройли ва хилма-хил товарлари билан шуҳрат топган Иваново шаҳридаги меланж комбинатида кўп турли газмол тўқилади. Газмоллар шу қадар нафис, гуллари шу қадар чиройликки, кўзни олади. Ана шу материаллардан бир қанчаси 1959 йилда Нью-Йоркда очилган совет виставкасида намойиш қилинди.

Делегация аъзолари — СССР Олий Советининг депутати, Чирчиқ электркимё комбинати смена мастери Г. Ҳайдарова, Тошкент тўқимачилик комбинати 1-тўқув фабрикасининг моҳир тўқувчиси Л. Чуприна, шу комбинатнинг 3-йигирув фабрикаси мудири А. Қодиров, «Таштекстильмаш» заводининг инженер-конструктори А. Юнусов ўртоқлар тўқув ва йигирув машиналарини жуда устаклик билан бошқариб, гоят юқори кўрсаткичларга эришаётган тўқувчи қизлар, ишлаб чиқариш командирлари билан танишдилар.

— Дастгоҳингиз жуда яхши ишлаяпти, қаранг, йигирилаётган ипдан тугун топилмайди, — деди Гавҳар Ҳайдарова йигирув машиналарининг бирида ишлаётган қизга.

— Машинани модернизация килганмиз. Шунинг учун ҳам яхши ишлаяпти. Лекин толада ҳам гап кўп. Айниқса ўтган йилги пахтангиз ипакдек, толалари узун, майин...

Меланж комбинати тўқувчилари ишлаб турган машина ва дастгоҳларни тўла-тўкис модернизация қилиб, уларнинг унумдорлигини ошириш учун қизғин қураш бошлаб берган ташаббускорлардир. Меҳмонлар тўқувчи қиз — Вера Лазутинанинг пахтамизга берган юксак баҳосидан хурсанд бўлдилар...

Савенск районидаги «Солидарность» фабрикасининг донгдор тўқувчиси Юлия Михайловна Вечерова билан бўлган учрашув ва суҳбатлар сира эсдан чиқмайди. Бу ажойиб меҳнатсевар аёлнинг номи поёнсиз Ватанимиз бўйлаб таралган. У 20 та тўқув дастгоҳини бошқаряпти. Юлия Михайловна ҳар бир дастгоҳнинг иш унумини ошириш учун қураш байроғини биринчи бўлиб кўтарди. Новатор тўқувчи ўз тажрибасини жон-дил билан ўртоқлашмоқда.

— Ҳозир мен ишлаётган дастгоҳлар ҳар бир соатда 15 минута арқоқ оляпти. Бу етти йилликнинг охирига мўлжалланганидан минг арқоқ кўпдир. Буюк Ленин туғилган кунгача қўшимча 6 минг метр газмол тўқиб беришга ҳаракат қиляпман...

Шу кунларда Иваново тўқувчиларидан 12 минг киши Юлия Вечерова изидан боряпти. Буларнинг 6 мингдан кўпроғи ускуналарнинг меҳнат унумдорлиги жиҳатидан 1965 йил маррасига етиб олди.

«Красная Талка» фабрикаси коллективи тошкентликлар билан мусобақа тузилганлигини эшитиб, жуда хурсанд бўлди. Корхона цехларида «Таштекстильмаш» заводида ишлаб чиқарилган йигирув машиналари ҳам бор. Ўз қўли билан яратган машинанинг ишлаб турганини кўрган инженер-конструктор Акбар Юнусов жуда хурсанд бўлди. У йигирувчилардан машинанинг қандай ишлаётганлигини сўраб олдик.

— Ҳа демай бундан ҳам сермунум автомат машиналар юборамиз, — дейди у ишонч билан.

«Катта Иваново Мануфактураси» номи билан аталган бу фабриканинг икки юз йиллик тарихи бор. Бу корхонада айланиб, ўтмишдан асар ҳам тополмадик. Машинадан тортиб, то биноларига қадар янги. Бу фабрикага Иваново шаҳри ва унинг атрофидаги жуда кўп корхоналар хомсурё етказиб беришади. Гигант гул босув агрегатлари материалларни оҳаклаб гуллар босади. Фабрикада ҳозир 2 минг 600 турда газмол чиқарилаяпти!

Тошкентликлар мусобақадош ивановоликлардан техниками тараққий эттириш, мавжуд машиналарни такомиллаштириш соҳасида кўпгина янгиликларни ўргандилар, уларнинг турмушлари билан яқиндан танишдилар, ҳам ўрганиб, ҳам ўргатиб қайтдилар...

А. АБДУАЗИМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР САВДО ПАЛАТАСИ ФАОЛИЯТИНИНГ ДАСТЛАБКИ ЯКУНЛАРИ

Ўзбекистон ССР Савдо палатасининг 22 февралда бўлиб ўтган йиғилишида устав қабул қилинди ва палата раиси Ж. И. Илҳомованинг чет эл Шарқи мамлакатлари билан алоқаларни кенгайтириш тўғрисидаги ахбороти эшитилди, шунингдек палата фаолиятининг дастлабки якунлари кўриб чиқилди.

Йиғилиш бир қанча саноат корхоналари, ҳунармандчилик артеллари ва савдо-ўҳжалик ташкилотларининг ўзларини Ўзбекистон Савдо палатаси аъзолигига қабул қилиш ҳақидаги аризалари кўриб чиқилди. Палата составига 20 та янги ҳақиқий аъзо қабул қилинди. Улар орасида «Таштекстильмаш», «Чирчиксельмаш» заводлари, Тошкент пайпоқ-трикотаж фабрикаси ва 1-пойафзал фабрикаси, «Ташунивермаг», республиканинг улугржи савдо конторалари «Торгодежда», «Текстильторг», «Обувьторг» ва бошқалар бор.

Ҳозирги вақтда палатанинг 50 та ҳақиқий аъзоси бор. (ЎзТАГ).

КАДР ТАНЛАШ МУҲИМ ИШ, ТАРБИЯЛАШ УНДАН ҲАМ МУҲИМ

Коммунистик партия кадрлар танлаш, уларни жой-жойига қўйиш ва тарбиялашнинг ленинча принципини ҳамма вақт изчиллик билан амалга ошириб келмоқда. Партия коммунизм ғояларига чексиз содиқ, партия сиёсатини оғишмай амалга оширишга қодир бўлган кўп сонли кадрларни вояга етказа олгани учун ҳам халқ хўжалиги қурилишининг улкан ва мураккаб вазифалари муваффақиятли ҳал қилинмоқда.

Кадрларни танлаш ва тарбиялаш ҳозирги шароитда, мамлакатимиз ўз тарихий тараққиётининг янги босқичи — коммунистик жамият қурилиши кенг авж олдирилган даврга кирган шароитда айниқса зўр аҳамиятга эгадир.

КПСС XXI съезди коммунистик қурилишнинг улуғвор программасини белгилаш билан бирга, кадрлар танлаш ва уларни жой-жойига қўйиш ишини кескин даражада яхшилаш масаласига алоҳида эътибор берди. Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XIV пленуми ҳам коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичи кадрлар билан ишлашни тубдан яхшилашни талаб этаётганлигини, бу ишни шу вазифалар даражасига кўтариш зарурлигини алоҳида уқтириб ўтди.

Тошкент шаҳар, Октябрь район партия комитети КПСС XXI съезди ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми қарорларини амалга ошириш юзасидан бир мунча тадбирларни белгилаб, кадрлар билан ишлашда дастлабки ижобий натижаларни қўлга киритди. Кадрлар билан ишлаш масаласи райком бюроси ва пленумларида, бошланғич партия ташкилотлари йиғилишларида тез-тез муҳокама қилинадиган бўлиб қолди.

Бу факт кадрларни пухта ўрганиш, янгиликни ҳис этмайдиган, ҳозирги замон вазифалари даражасига кўтарила олмаган қобилиятсиз ходимларни ёш, билимли, қуйи лавозимларда ишлаб чиққан ва тажриба орттирган, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган кадрлар билан алмаштириш имконини берди.

Ҳозир район партия комитети номенклатурасидаги 800 га яқин ходимдан ярми олий ва тўлиқсиз олий маълумотга эгадир. Бу ходимлардан уч юзи мутахассис, икки юзи хотин-қизлардир. Уларнинг кўпчилиги ўзларига бўлган ишончни оқлаш учун куч ва билимларни аямай ўз хизмат бурчларини астойдил ва ҳалол адо этиш намунасини кўрсатаётган камтар кишилардир.

Район партия комитети бошланғич партия ташкилотлари секретарлари составини саралаш, ҳунармандчилик кооперацияси системасидаги саноат корхоналари ва артеллар раҳбарлигини ишчан мутахассислар ва қобилиятли ташкилотчилар билан мустаҳкамлаш йўлида ҳам бирмунча тадбирларни кўрди.

Бу системадаги кадрлар билан ишлаш масаласи район партия комитети бюросида муҳокама қилинди. Бу масалани тайёрлашда райком аъзолари ва активлардан жуда кўп киши қатнашди. Муҳокама эса ютуқлар билан бир қаторда, кўп камчиликлар мавжудлигини кўрсатди.

Шаҳар ижроия комитети саноат бошқармасига қарашли корхоналарнинг кўпи бизнинг районимизга жойлашган. Шу корхоналардаги 233 инженер-техник лавозимида мутахассис бўлмаган ва махсус билими йўқ кишилар кўпдан буён ишлаб келган. Бундай кўнгилсиз аҳвол ҳунармандчилик кооперацияси артелларида ҳам мавжуд. Бу системадаги 36 артель раиси ва техноруғидан 12 киши махсус билим у ёқда турсин, ақалли умумий ўрта маълумотга ҳам эга бўлмаган. Шунинг учун уларнинг кўпи ишлаб чиқариш ва техника тараққиёти масалалари билан жиддий шуғулланолмаганлар. Баъзи жойларда сифатсиз маҳсулот чиқариш, халқ мулкини ўғирлаш, порахўрлик фактлари юз берган.

Район партия комитети бундай кўнгилсиз ҳолларга барҳам бериш, раҳбарлик лавозимига тасодифан ўрнашиб қолган кишиларни ишлаб чиқаришни яхши биладиган мутахассис, ташкилотчи кадрлар билан алмаштириш чорасини кўрди. Инженер-кўнчи ўртоқ Обидов кўн заводига, 1-тикув фабрикаси партия ташкилотининг собиқ секретари ва ўтган йил республика партия мактабини битириб чиққан ўртоқ Солиева Ташунивермаг промкомбинатига директор қилиб юборилди. Чала савод бўлгани ҳолда «Шарқ гули» артелида техноруклик лавозимида «ишлаб», ҳар хил фирибгарлик қилиб келган Қорнев ўрнига, 1957 йилда Тошкент тўқимачилик институтини битириб чиққан ва амалий ишда ўзининг ташкилотчилик қобилиятини кўрсатган инженер-технолог ўртоқ Икромов тавсия қилинди.

Текшириш давомида бир қанча раҳбар ходимлар ўзларининг мансабларидан фойдаланиб, кооператив мулкини талон-торож қилаётганликлари, савдо ташкилотларига молларни нарядсиз чиқараётганликлари аниқланди. «Партия XVIII съезди», «Тўртинчи беш йиллик», Клара Цеткин номли артель техноруклари Яцкаер, Бровман, Бурдинлар худди шундай ҳуқ-атворлари учун ишдан олинадилар.

Кўрилган тадбирлар натижасида ҳунармандчилик кооперациясининг маҳаллий саноат корхоналари ва артелларида цех ва бўлим бошлиқлари бўлиб ишлаётган ходимлар орасида инженер-техниклар 63 кишига кўпайди.

Район партия комитети савдо ташкилотлари ва умумий овқатланиш корхоналаридаги кадрлар аҳволини ҳам ўрганиб чиқди. Бунда савдо ташкилотларида кадрлар танлаш ва уларни жой-жойига қўйиш принциплари кўпол суратда бузилаётганлиги, кадрлар ўртасида қўнимсизлик авж олгани, системадаги кўпгина ходимлар ўз савия ва малакаларини оширмаётганликлари, бир қанча савдо ташкилотлари ва ошхоналарда харидор ва хўрандаларни алдаш, тарозидан уриб қолиш каби ҳодисалар давом этаётгани маълум бўлди.

Район партия комитетининг бу ҳақдаги қарори савдо ходимлари ва ошхоналар трести партия ташкилотларида кенг муҳокама қилинди ва бу системаларнинг ходимлари составини яхшилаш чоралари кўрилди. Шу йил бошигача савдо тармоқларига 150 дан ортиқ ўрта маълумотли ва 60 дан ортиқ махсус маълумотли кишилар қабул қилинди.

Район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари кадрларнинг ғоявий-сиёсий билимларини ошириш ҳақида ғамхўрликни кучайтирдилар. Жуда кўп раҳбар кадрлар марксизм-ленинизм кечки университетининг районимиздаги филиали ва райком ҳузуридаги иқтисод мактабини битириб чиқдилар ва кўплари ўқишни давом эттирмоқдалар. Кўпчилик раҳбар кадрлар марксизм-ленинизм классикларини мустақил равишда ўрганиб, районда, йирик саноат корхоналарида тез-тез ўтказилиб турган назарий конференцияларда актив иштирок этмоқдалар.

Район партия ташкилоти кадрлар билан ишлашни бирмунча жонлантирган бўлса-да, лекин ҳали жиддий камчиликлар мавжудлиги сезилиб турибти. Буни район партия ташкилотининг яқинда бўлиб ўтган XXV конференцияси якунлари равшан кўрсатди. Делегатлар район партия комитети кадрлар билан ишлашда йўл қўяётган камчиликларни ҳақли равишда қаттиқ танқид қилдилар.

Ҳозир ҳам райондаги раҳбар кадрлар ўртасида ўзларига топширилган ишни эплай олмаётган, партия ва давлат интизомини бузаётган, кибрланиб кетган, ўз мансабларини суиистеъмол қилиб, айрим ҳолларда жиноят йўлига тушиб олаётган кишилар йўқ эмас. «Ўзтранспецстрой» трестига қарашли II «Промбуровод» қурилиш бошқармасининг бошлиғи Ғ. Ҳусанов ана шулар жумласидандир. У партия аъзолиги шаънига иснод келтириб, ўз фаолиятида молия интизомини бузди, давлатнинг қурилиш материалларини ва маблағларини талон-торож қилди, ҳатто трест материаллари ҳисобига ўз уйини ремонт қилиб олди.

Бизда танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтириш ҳақида оғиз кўпиртириб, амалда бунга риоя қилмайдиган, омманинг овозига қулоқ солмайдиган, кўп ҳолларда танқидни бўғадиган ходимлар ҳам учраб туради. Мана бир факт. «Узглавзаготскот» область конторасининг бошлиғи партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида коммунистлар шу контора бошқарувчиси ўртоқ Ивановнинг қўпол муомалалигини, партия ташкилотини менсимаслигини, кадрлар танлашда ошна-оғайнигарчиликка йўл қўяётганлигини қаттиқ танқид қилдилар. Бу вақтда ўртоқ Иванов курортда эди. У курортдан қайтиб келгач, ўзи ҳақида бўлган адолатли танқиддан тегишли хулоса чиқариш ўрнига, сўзга чиққан коммунистларни таъқиб остига олди, ҳатто партия ташкилотининг секретари ва коммунист-ходим Мирзаевни ўз кабинетига чақириб сўроқ қилди.

Фактлар бундай иллатлар кўпинча большевикларга хос камтарликни унутган, шахсий бойлик орттириш йўлига тушиб олган, коллектив манфаатини менсимай, ўзига юқори баҳо берадиган, ўз ишига танқидий кўз билан қарамайдиган, ўзининг гоявий-сиёсий савиясини оширишни ўйламай, оммадан, кундалик жўшқин ҳаётдан ажралиб қолган ходимлар фаолиятида юз бераётганлигини кўрсатмоқда.

КПСС Марказий Комитети «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари тўғрисида»ги қарорида коммунистлар ўртасида, барча кадрлар ўртасида гоявий-тарбиявий ишларни кучайтириш партия ташкилотларининг муҳим бурчи эканлигини яна бир марта уқтириб ўтди.

Биз кадрлар билан ишлашда Марказий Комитетнинг ана шу кўрсатмасига қатъий амал қилиб, коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал этишда кадрларнинг ролини тобора ошириш тадбирларини кўрамиз.

Р. НИШОНОВ,

Ўзбекистон КП Октябрь район комитетининг секретари.

Заводда тепловоз факультети

Октябрь революцияси номидаги завод цехларида Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтининг янги факультети очилди. Факультетнинг 42 студенти орасида мастерлар, бригада бошлиқлари, шунингдек олий маълумотли инженерлар бор.

Уларнинг яна студент бўлишига нима сабаб бўлганлигини инженер Т. Мирҳаитовнинг таржимаи ҳолидан билиб олиш мумкин. У Транспорт институтини бундан беш йил муқаддам, мамлакатимизнинг пўлат изларида асосан паровозлар қатнаб турган пайтда тамомлаган эди. Уша вақтдан бери темир йўл транспорти техникасида катта ўзгаришлар рўй берди. Тошкент магистралида тепловозлар устунлик қила бошлади. Октябрь революцияси номидаги завод етти йилликнинг биринчи йилида локомотивларнинг ана шу хилини ремонт қилишга ўтди. Ўртоқ Мирҳаитов институтда ўқиганида тепловозни ўрганмаган бўлса ҳам, тепловоз йиғиш цехи бошлиғининг ўринбосари қилиб тайинланган. Эндиликда у ўз тажрибасини билим билан мустаҳкамлашга қарор қилди.

Ана шу янги — тепловоз факультети курси бир йилга мўлжалланган. (ЎзТАГ).



ТОЖИКИСТОН ССР. Вахш водисида жуда катта қурилишлар қулоч ёйган. Вахш канали сувидан нур оладиган Перепадная ГЭС қурилиши тамомланмоқда. Бундан ташқари янада кучли марказий ГЭС ҳам қурилади. СУРАТДА: Перепадная ГЭСининг умумий кўриниши.

А. ПОЛЯКОВ фотоси (ТАСС фотохроникаси).



Шаҳрисабз шаҳрида 880 киловатт қувватга эга йирик электростанциянинг биринчи навбат қурилиши тамомланди. Станция Шаҳрисабз ва Китоб районларига электр қуввати берабошлади. СУРАТДА: электростанция дизелларига сув чиқарадиган минора.

М. Турсунхўжаев фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ХУШ ХАБАРЛАР

ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

ҚЎҚОН. Муқимий номидаги педагогика институти «Қўқон» совхози клубида КПСС Марказий Комитети декабрь (1959 йил) Пленуми материалларини ўрганишга бағишланган илмий конференция ўтказди. Конференцияда «КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорлари — қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг жанговар программасидир», «Коммунистик меҳнат бригадалари — аҳолини коммунизм қуришга сафарбар қилишнинг янги шакли» ва «КПСС декабрь Пленуми қарорларини амалга оширишда комсомол ташкилотининг роли» деган темада лекциялар тингланди.

У. Иброҳимов.

ЭКИШГА ТАЙЁРМИЗ

ТЕРМИЗ. Денов районидаги «Комсомол» мактаби ўқувчилари тажриба участкасидаги ерларни баҳорги экишга тахт қилиб қўйдилар. Ўқувчилар ўтган йили ўз участкаларидан 31 тонна маккажўхори кўкпояси олиб, Хрушчев номли колхозга топширган эдилар. Бу йил ҳам маккажўхори экиб. юқори ҳосил олиш учун тайёргарлик бошланди. Мактаб боғига экиш учун 150 туп мева кўчати тайёрланди.

Қ. Қобилов.

ТАЖРИБА АЛМАШИШ

ТОШКЕНТ. Область халқ маорифи бўлими мактабгача тарбия ёшидаги болалар муассасалари ходимларидан бир группасини тажриба алмашиш мақсадида қардош Грузия республикасига юборган эди. Булар орасида Чирчиқ шаҳридаги қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинати ҳузуридаги болалар боғчасининг мудири А. Азимова ҳам бор эди. Ўртоқ Азимова Грузиядан қайтгач, у ерда олган таассуротларини ўз ҳамкасбларига сўзлаб берди. Йиғилганлар Грузия болалар муассасаларининг ишлари ҳақидаги ҳикояни қизиқиб тингладилар.

Т. Ўрунов.

САЛОМАТЛИК ЙЎЛИДА

(Редакцияга келган хатларни ўқиб)

Ҳар куни юзлаб меҳнаткаш редакцияга хат юборади. Бу хатларда етти йилликнинг иккинчи йилида қўлга киритилаётган зафарлар, коммунистик меҳнат бригадаларидаги қизғин меҳнат, бепоён далалардаги ҳаёт ҳақида хабар қилинади. Хатларнинг кўпида партия ва ҳукуматимизнинг аҳоли соғлиғи тўғрисида оталарча ғамхўрлик қилаётганликлари, врачларимизнинг фидокорона меҳнатлари ҳақида гап боради.

— Бизнинг Қайқи қишлоқ касалхонасининг врачи, — деб ёзади **А. Арапов** Учқўрғон районидан, — Тўлқинжон Зайниддиновни ҳамма ҳурмат қилади. У, беморларни даволаш билан чекланмайди, касалликнинг олдини олиш учун курашади. Ёш врачнинг колхоз радиоузели орқали «Шал касаллиги», «Бўғма касаллиги», «Грипп ва унинг келиб чиқиши», «Сил касаллиги ва унинг юқишидан сақланиш», «Тозалик — соғлиқнинг гарови» деган темада ўқиган лекцияларини аҳоли қизиқиш билан тинглади. Зайниддиновни ёрдамга чақирган бирор кимса унлан рад жавоби олганини эслай олмайди. Шунинг учун қишлоқ аҳолиси Зайниддиновни «бизнинг врач» дейишади.

Норпой районидан **Э. Ражабов**, Бухоро шаҳридан **Н. Охунжонов**, Ленин районидан **Т. Аҳмадалиев**, Оржоникидзе районидан **С. Мирзалиев**ларнинг редакциямизга юборган хатларида врачлардан Исаев, А. Яковлева, М. Гумаров, С. Болтачиева, С. Содиқовларнинг жонкуярлиги, ташаббускорлиги ва жамоат ишларида актив қатнашаётганликлари тўғрисида ҳаяжон билан ёзадилар.

— Сора Болтачиева, — дейди хатида **Т. Аҳмадалиев**, — КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «СССР аҳолисига медицина хизмати кўрсатишни ва унинг соғлиғини сақлашни янада яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қароридан кейин ўзи бош врач бўлиб ишлаётган «Сталинчи» колхоз касалхонасининг ишини қайта кўриб чиқмоқда. Тажрибали врач ҳозир касалхона, амбулатория ва туғруқхонадаги ўринларнинг сонини кўпайтириш, янги асбоб-ускуналар ўрнатишга ҳаракат қилаётир. Болтачиева бир йил давомида қишлоқ аҳолисига медицина темасида 60 га яқин лекция ўқиди.

Наманган шаҳар биринчи касалхонасининг терапевт врачи **Ф. Иброҳимова** муҳим масалани ўртага ташлайди. «Беморнинг,. — деб ёзади у, — табиати жуда нозик бўлади. Уни даволашга дори-дармоннинг ўзи кифоя қилмайди. Ширин сўз, яхши муомилада бўлишда гап кўп. Бу, беморнинг руҳини кўтаришга ёрдам беради. Тузалган касалнинг ҳолидан хабар олиб туриш, у билан суҳбатлашиш — врачнинг бурчи».

М. Абдуллаев, Ҳ. Мирҳожиев, А. Мирзаев, Ж. Турғуновлар ҳам врачларнинг ишлари, медицина хизмати кўрсатишнинг тобора яхшиланаётганлиги, касалликлар камайиб бораётганлиги тўғрисида ёзадилар. **Қ. Тошбоев** Тошкент шаҳар 1-касалхонасининг врачи ҳамда моҳир педагог Т. Сиротанинг Ўзбекистонда врачлар етиштириш ишига қўшган баракали хизматини ҳикоя қилган. «Бу моҳир педагогнинг, — деб ёзади мухбир,— қўлида бир неча мингдан ортиқ медицина ходими тарбияланди».

Аҳоли соғлиғи йўлида хизматини аямаётган врачларнинг олижаноб ишлари, партия ва ҳукуматимизнинг халққа кўрсатаётган ғамхўрлигини ифодаловчи хатлар кетма-кет келиб турипти. Хатларнинг ҳаммасида «касаллик камаяверсин, умр узаяверсин» деган гоя олдинга сурилмоқда.

Ҳа, кишиларнинг умри узаймоқда!

ЯДРО НУРЛАНГАНДА...

Бу йил Ўзбекистоннинг халқ хўжалигида бир неча юз изотоп прибор жорий қилинади. Бу приборларни қўлланиш жуда хилмахил технологик процессларни автоматлаш комплекс планида кўзда тутилган.

Ўзбекистон Фанлар академияси ҳузуридаги Ядро физикаси институтининг ташаббуси билан тузилган бу планнинг тарихи жуда қизиқарлидир. Институт ходимлари етти йилликнинг биринчи йилида бир қанча универсал оригинал установкаларни яратиб, уларни қисқа муддат ичида ишлаб чиқаришга жорий қилишга қарор бердилар. Институт ходимлари бундан бир неча йил муқаддам республиканинг энг йирик заводлари, фабрикалари, конлари ва қурилишларини ўргандилар. Ишлаб чиқаришни янгилаш мақсадидаги ана шу юришда Тошкент ва Москванинг қиридан ортиқ ета к ч и атомчи мутахассислари, атоқли экономистлари қатнашдилар. Институт илмий тажриба натижаларининг ишлаб чиқаришга дарҳол жорий қилинишига эришиш мақсадида йирик корхоналарда таянч пунктлари ташкил қилди.

Ҳозирги вактда тадқиқотчилар Ўзбекистон саноатини техника жиҳатидан қайта қуроллантириш асосидаги ўз программаларини амалга оширишдаги дастлабки якунларини тўпламоқдалар. Олтинтопган полиметалл комбинатида руда хомашёсини қайта ишлаш процессларини радиацион автоматлаш схемаси тузилган. Бу ерда сульфид рудаларини майдалаш ва саралаш ишлари атом энергияси ёрдами билан бошқарилади. Майдалаш агрегатининг ишини тартибга солиш учун приборлар яратилган. Махсус мосламалар классификаторнинг нормал ишлашини таъминлайди. Бу янгиликлардан мақсад — меҳнат унумдорлигини ошириш билангина қолмай, машина-ускуналарнинг пухта ишлашини ҳам таъминлашдан иборатдир.

Чирчиқ электрокимё комбинатида электрон блокли радиоактив регулятор ўрнатилди. Бу регулятор минераль ўғит ишлаб чиқаришнинг жуда мураккаб процессини автоматлашга имкон беради. Республиканинг бир қанча бошқа корхоналарида резина ясаш машиналарининг ишини контроль қилишга имкон берадиган приборлар қўлланилмоқда.

Институт ходимлари корхоналар билан ҳамкорлик шартномалари тузиб, етти йилликнинг учинчи йилида фойдаланиладиган янги установкалар, приборлар ва мосламалар яратмоқдалар. Айни вақтда ядро физикасининг кардинал проблемалари ҳам ишлаб чиқилмоқда. Бу проблемалар Ўзбекистон халқ хўжалигини олий техника билан янада таъминлаш учун назарий база вужудга келтиради.

Е. МАЙОРОВ

(ЎзТАГ мухбири).

КЕЧАГИ ЖАНГЧИ— МАЛАКАЛИ СЛЕСАРЬ

Исмоил Ашуров 1959 йилнинг бошида армия хизматини ўтаб қайтди. У шоили Қизил Армия хизматига чақирилишига қадар Бухоро пахта тозалаш заводида слесарга шогирд эди. Уч йиллик жанговар хизматдан кейин яна шу заводга келиб ишлай бошлади. Бир неча ой шогирдликни давом эттирди.

Саккизинчи разрядли слесарь Гадоймурот Боймуродов унга ўз касбини қунт билан ўргатди. Момиқ цехи заводнинг асосий маҳсулот ишлаб чиқарадиган тармоқларидан ҳисобланади. Унда йигирма машина ўрнатилган, ҳар машинага 160 тадан арра уланган. Момиқ чиқариш машиналарининг унумли ишлаши, арраларнинг қанчалик созлигига ва тишининг ўткирлигига боғлиқдир. Бунинг учун машиналардаги арралар бир кеча-кундузда бир марта алмаштирилиб турилиши ва шикастланганлари иш устида тузатиб борилиши керак. Ана шу масъулиятли вазифа цехдаги беш слесарь зиммасига юкланган. Шулардан бири кечаги солдат, бугунги малакали слесарь Исмоил Ашуровдир.

— Момиқ цехи машиналаридаги уч миг икки юз арра, — дейди Исмоил Ашуров, — ҳар биримизга саккиздан биркитиб қўйилган. Мен эрталаб цехга келишданоқ биринчи навбатда шикастланган арраларни тузатаман, сўнгра бошқаларини алмаштиришга киришаман. Момиқ машиналарининг тўхтовсиз ишлаб туриши учун арраларни доимо назорат қилиб бораман, бир минут ҳам бекор туришга йўл қўймайман. Ҳозир нормани 125—130 процент бажараяпман.

Заводнинг момиқ цехи январь ойи планини 105 процент бажарган бўлса, февралнинг иккинчи ўн кунлик топшириғини 111 процент адо этди, шоили Қизил Армия кунини муносиб совға билан кутиб олди. Цех коллективи меҳнат вахтасида туриб ишлаб, биринчи квартал планини 110 процент бажариш учун эўр ғайрат қилмоқда. Бу соҳада слесарь ўртоқ Ашуров ташаббус кўрсатиб ишлаётир.

Л. ЭРГАШЕВ.

ОТАЛИҚ ЁРДАМИ

ФАРҒОНА. Марғилон шаҳрида жойлашган республика ипакчилик саноати илмий-текшириш институти коллективи ипакчилик саноати корхоналарида илмий иш олиб бориб, уларга амалий ёрдам кўрсатмоқда. Институтда пиллакашлик автомат станогини модернизация қилиш устида иш олиб борилаётир.

Яқинда институт коллективи шаҳардаги «Победа» колхозини оталикка олди. Институт ходимлари колхозда пахта ҳосили ва бошқа экинларни, айниқса пиллачиликни юксалтиришга қаратилган амалий чоралар кўришга киришдилар.

Ҳ. Усмонов.

АДАБИЙ КЕЧА

АНДИЖОН. Ленин районидаги «Правда Востока» колхози клубида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг туғилган кунига 70 йил тўлиши олдидан адабий кеча ўтказилди. Кечада «Шоирнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти» ҳамда «Ҳамза атеист» деган темада докладлар тингланди. Адабий кеча охирида район халқ театри концерт қўйиб берди.

Т. Ахметзянова.

ЯНГИ ҚАСАЛХОНА

ТОШКЕНТ. Олмалиқ шаҳрида 400 ўринлик касалхона ишга туширилди. Унда хирургия, терапевтика, гинекология бўлимлари бор. Янги касалхона ҳузурида поликлиника ҳам очилди.

Б. Тожибоев.

ҲАММАМИЗГА ФОЙДАСИ БОР

Колхозларга молиявий ёрдам кўрсатишда давлат страхованиесининг роли катта. Давлат страхованиеси табиий офатлар в а бахтсиз ҳодисалар орқасида колхозлар ҳамда аҳолига етадиган моддий зарарларни қоплайди, ишлаб чиқаришни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Ўзбекистон ССРнинг Давлат страхование органлари 5 йил ичида (1954 йилдан 1958 йилгача) республика колхозларига табиий офатлардан кўрилган зарарларнинг ўрнини тўлдириб олишлари учун мажбурий окладли страхование йўли билан 508 миллион сўмдан кўпроқ пул тўлади. Биргина Самарқанд ва Бухоро областларининг колхозларига 1957 йилда қурғоқчиликдан нобуд бўлган ғўзалар учун мажбурий окладли страхование йўли билан 75 миллион сўм миқдорида страхование ҳақи тўланди. Тошкент область колхозларига эса, 1958 йилда совуқ эрта тушганлиги оқибасида кўрган зарар учун 37 миллион сўм тўланди.

Бироқ, колхозларга страхование ҳақи анча миқдорда тўланганлигига қарамай, республика колхозларида қишлоқ хўжалиги экинларини страхование қилишнинг страхование таъминоти жуда пасайиб кетди. Чунончи, 1950 йилда пахта экинларининг мажбурий окладли страхование бўйича страхование таъминоти ҳосил қиймати нинг 37 процентини ташкил этган бўлса, 1958 йилга келиб, у ҳосилнинг қиймати янги харид баҳолари билан ҳисоблаб чиқилган вақтда 22 процентгача пасайиб кетган.

Давлат страхованиеси ишидаги ана шу камчиликларни тугатиш мақсадида, 1960 йилнинг 1 январидан бошлаб, Ўзбекистон ССР ҳукуматининг қарори билан страхование тўловларининг ставкалари баъзи областлар (Қорақалпогистон АССР) ва страхование турлари бўйича тўланиб келган страхование ҳақининг ҳосил бўлган даражасига қараб белгиланди. Шу сабабли мажбурий окладли страхование тўловларининг ставкалари: дон экинларига —60 процент, куғаи дон экинларига —42 процент, шолига—75 процент, экиладиган кўп йиллик кўкатларга —78 процент миқдорида анча пасайтирилди.

Шу билан бирга, страхование тўловларининг ставкалари —пахтага 40 процент, боғ ва токзорларга икки баравардан кўпроқ оширилди. Ҳайвонларни страхование қилиш бўйича тўловларнинг ставкалари отларга —48 процент, чўчқаларга —53 процент пасайтирилди ва йирик қорамолларга тўлов ставкалари 25 процент, қўй ва эчкиларга 67 процент оширилди.

Тўлов ставкаларининг расчетларини областлар тартибида тузиб чиқиш вақтида ҳар қайси областнинг иқтисодий хусусиятлари ва қишлоқ хўжалик экинлари ҳамда ҳайвонларига кейинги 5 йил ичида ўртача тўланиб келган страхование ҳақи ҳисобга олинар эди. Расчетнинг янги шартларига кўра, страхование суммаларининг, ва демак, колхозларда бутун республика бўйича тўланадиган страхование ҳақининг миқдори илгари амалда бўлган шартларга нисбатан 58.7 процент ортди.

Мажбурий окладли страхование шартларининг ўзгартирилиши билан бирга, колхозлар ва аҳолининг мол-мулкини ихтиёрий страхование қилишга ҳам ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Граждапларга қарашли иморатларни мумкин қадар тўла страхование қилиш мақсадида мажбурий окладлига қўшимча равишда бундай иморатларни уларнинг жуда оз суммаларда мажбурий страхование қилинганлигини назарда тутиб, ихтиёрий страхование қилиш тартиби киритилади.

Ёнғинларнинг ва ҳайвонлар ўлатининг олдини олиш ва уларга қарши кураш олиб бориш тадбирларини маблағ билан таъминлаш учун фақат мажбурий окладли страхование тўловларидангина эмас, балки ихтиёрий страхование тўловларидан ҳам пул ажратилади.

Ёнғинларнинг ва ҳайвонлар ўлатининг олдини олиш ҳамда уларга қарши кураш олиб бориш тадбирларига қўшимча равишда ажратиладиган 8 процент маблағ ҳам қишлоқ хўжалик экинларининг зарарланиши ва нобуд бўлишининг олдини олиш ишларига сарфланади. Бу эса колхозлар ва аҳолининг мол-мулкини ихтиёрий страхование қилишни ривожлантиришга ёрдам беради ҳамда офатнинг олдини олиш чораларини ўтказишда маҳаллий Советларнинг манфаатдорлигини кучайтиради.

Страхованиенинг янги шартлари 1960 йилнинг 1 январидан жорий қилина бошланди.

Бу тадбирларнинг амалга оширилиши давлат страхованиесининг аҳамиятини оширишга, страхование таъминотини тўлаш даражасини кўтаришга ва шу билан колхозлар ҳамда аҳолининг давлат страхованиесидан манфаатдорлигини яна ҳам кўпроқ авж олдиришга замин яратади.

В. МУРОДХЎЖАЕВ,

Ўзбекистон ССР Молия министри.

„Қизил Ўзбекистон“ мухбирлари постларидан:

ЭКИШГА ТАЙЁРМИСИЗ?

Республикамизда 3 миллион 170 минг тонна пахта қўлга киритилиши ўтган йилги ижобий ишлар ва тажрибаларни ривожлантиришга, прогрессив агротехника ҳамда механизацияга эътиборни кучайтиришга, мавсум ишларини ўз вақтида сифатли ўтказишга, кўкламги экишни шайланиб кутиб олишга боғлиқ.

ЖОНСИЗ РАҚАМЛАР

Жомбой районида бултур чигитни квадрат-уялаб экишда анча бурилиш бўлди. 7 минг гектар майдонда гўза қатор оралари икки томонлама ишланди. Ўлчов сими билан квадрат-уялаб экилган 550 гектар ердан айниқса кўп ҳосил олинди. Оржоникидзе номли колхознинг ўртоқ Т. Раҳмонов бошлиқ бригадаси аъзолари квадрат-уялаб экилган ернинг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил олдилар ва пахтанинг таннархини уч баравар камайтирдилар.

Бироқ, квадратга ҳамма жойда ҳам яхши эътибор берилмади. «Ленинобод» колхозида 200 гектар ўрнига фақат 50 гектарда, Калинин номли колхозда эса атиги 30 гектар ерда чигит квадрат-уялаб экилди. Лекин квадратлар аниқ чиқмади. Бирмунча колхозларда гўза қатор ораларини ишлаш вақтида квадратлар бузилди ва бу майдонлардан кутилган ҳосил олинмади.

Бунга механизатор кадрлар, айниқса квадрат экадиган кадрлар ўз вақтида пухта тайёрланмаганлиги сабаб бўлди.

Квадрат экадиган кадрларни танлаш ва тайёрлашга ҳозир қандай қаралмоқда? Бултур квадратлар барбод берилган Калинин номли колхозни олайлик. Бу йил бу колхозда камида 5 та агрегат билан 300 гектар ерга чигит квадрат-уялаб экилиши керак. Бунинг учун 5 та агрегат бошлиғи, олтита сеялкачи ва 20 та ёрдамчи механизатор тайёрлаш лозим. Бироқ ҳозиргача улардан бирортаси ҳам танланмаган ва колхоз раиси ўртоқ Қулиев бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрган эмас.

Ёки 700 гектар майдонда чигит квадрат-уялаб экилиши керак бўлган «Правда» колхозини олайлик. Бунда 14 та агрегатда 92 механизатор ишлаши керак. Лекин уларни ўқитиш ва малакаларини оширишга эътибор берилмаётир. Колхозда бултур сеялкачилар ва сим тортиш назоратчилари пухта танланмаганидан 46 гектар ерда квадрат экиш брак қилинган эди. Ана шу жиддий хато колхоз раҳбарларига (раиси ўртоқ Шодмонов) сабоқ бўлмаганга ўхшайди. Бу йил ишлаши керак бўлган 14 сеялкачи ва 15 назоратчидан ҳалигача бирортаси ҳам танланмаган.

Шундай аҳволлар бу йил чигит катта майдонларда квадрат-уялаб экиладиган Ленин номли, Жданов номли ва Охунбобоев номли колхозларда ҳам рўй бермоқда. Ленин номли колхоз бу йил 700 гектар майдонда чигитни ва 140 гектар майдонда маккажўхорини квадрат-уялаб экиши керак. 14 та экиш агрегати учун юзга яқин механизатор ва уларнинг ёрдамчилари ўқитилиши зарур. Бироқ, колхоз правлениеси ва бошланғич партия ташкилоти бу иш билан мутлақо шуғулланмаётир. Колхоз раисининг механизация бўйича ўринбосари Ўртоқ Н. Ҳусайнов «кадрларни чигит экиш вақтида танлаб оламиз» деб юрибди.

Районда колхоз раҳбар кадрларининг техника ўқуви жуда кеч бошланди ва машғулотлар кўнгилдагидек ўтмаётир. 147 та далачилик бригада бошлиқларидан 50 га яқини ўқишга тортилмаган. Колхоз агрономлари ва механизация бўйича раис ўринбосарларининг ўқиш машғулотлари кўпинча ўтмай қолади. Машғулот ўтаётган район ремонт техника станцияси базасида техника воситалари ва кўргазмали қуроллар ҳозирланмаган.

Бу йил Жомбой районида 9000 гектар майдонга чигит квадрат-уялаб экилади. Бунинг учун 133 та экиш агрегатини ишга тайёрлаш, 945 кишини ўқитиш зарур. Бу рақамлар район қишлоқ хўжалик инспекциясининг бошлиғи ўртоқ Березовскийнинг блокнотига ёзиб қўйилган. Бироқ, улар амалда кўринмайди.

Районда агрегатларнинг кўпчилиги шу вақтгача ремонтсиз ётипти. «Ленинобод» колхозида 16 та чигит сеялкасидан 12 таси ҳалигача ремонтга қўйилмаган. Район бўйича жами 107 «универсал»дан 2 таси, ДТ-24 маркали тракторларнинг 46 таси ёки учдан бир қисми ремонтдан чиқарилган эмас.

Умуман районда чигит экишга тайёргарлик жуда суст бормоқда.

Б. ПИРНАЗАРОВ, С. РАЖАБОВ, Қ. АЛИМОВ, Г. АБДУЛЛАЕВ—
«Қизил Ўзбекистон» газетасининг Жомбой районидаги мухбирлар пости аъзолари.

Ю. ЮНУСОВ — «Қизил Ўзбекистон» мухбири.

ИШ БЕКАМИ-КЎСТ БЎЛСИН

Қуванинг ҳамма колхозларида ҳам қишлоқ хўжалик машиналарини кўкламга тайёрлаш кўнгилдагидек, деб бўлмайди. «Ленинград» колхозида бу муҳим иш кечиктирилмоқда. 30 та чопиқ трактори, 19 сеялка, 32 та культиватор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарининг ремонтига ҳалигача киришилмаган.

Энгельс номли колхознинг биринчи участкаси Федченко тажриба станцияси ёнида жойлашган. Катта колектор бўйидаги очиқ ҳавода 50 дан ортиқ трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари турипти. Йўл ёқасида 6-номерли ДТ-54 трактори бузилиб ётибди. Тракторнинг ҳар икки ўрмаловчи занжири узилиб кетган. Бу трактордa 4 йил ишлаган Мамасиддиқ Йўлдошевнинг ўз машинасини далага ташлаб кетганига расо 3 ой бўлибди. Лекин на колхоз раиси Матмусаев, на партия ташкилотининг секретари Қорабоев ва на раисниг механизация бўйича ўринбосари Сотиболди Солиевлар суриштиришган.

Нарироқда механизаторлар қишки очиқ ҳавода қолган ўз агрегатларининг аҳволини текширмоқдалар. Баъзилар тракторларнинг занглаган жойларини артсалар, баъзилар машиналарнинг қисмларидан тўпланиб қолган сувни олиб ташламоқдалар. Механик-ҳайдовчилардан Собир Қодиров, Деҳқон Исҳоқов, Орин Қаҳҳоровлар ўз агрегатларини ўтган йили ташлаб кетганларича хабар олмаганлар.

Карл Маркс номли, «Социализм», «Саноат», Ленин номли колхозларда ҳам машинага муносабат яхши эмас.

Ўртоқ Курмак директорлик қилаётган биринчи РТС устахонаси янги қурилган. Трактор ва қишлоқ хўжалик машиналарини узель методи асосида ремонт қилиш учун барча имкониятлар бор. Аммо, имкониятлардан унумли фойдаланилмаётир. РТС ҳовлисида тартиб йўқ. Ремонти тугаган, ҳали ремонт қилишга киришилмаган трактор ва бошқа машина-асбоблар аралаш-қуралаш. Ҳовлидаги одамлар нима билан машғул эканлигини ва қайси колхознинг трактори қаерда эканлигини аниқлаб бўлмайди. Қатор турган тракторларнинг ҳар бири устида 5—6 одам. Бири моторни чиқарса, иккинчиси карбуратор билан овора.

— Бизда планни бажармаётганлар йўқ, — дейди бош инженер Жавдат Хайбуллин. Аммо ҳақиқий аҳвол бошқача. Ремонт юзасидан январь ойи ва февралнинг ярми учун белгиланган план бажарилмай қолди. 30 машинадан 22 таси қўлдан чиқарилди, дейилса ҳам ҳали камчилиги кўп. Бирорта трактор қабул комиссиясидан ўтказилган эмас. Биринчи квартал учун ремонт графигини тузишда ҳам чатоқликларга йўл қўйилган. Колхозларнинг маълумотига қараганда 94 та трактор ремонт қилиниши керак. РТС графигида эса 82 трактор кўрсатилган. 12 трактор аросатда. РТС-да ҳар куни 4 та тракторни тўла ремонт қилиш имконияти бўлгани ҳолда, зўрға иккита машина чалачулпа қўлдан чиқариляпти.

Қува районининг раҳбарлари (район партия комитетининг секретари Шодиев, район ижроия комитетининг раиси Жўраҳўжаев, қишлоқ хўжалик инспекциясининг бошлиғи Ким Ўртоқлар) 1960 йил учун олинган юксак мажбуриятни бажаришда техникани тайёрлаш катта аҳамиятга эга эканини эътиборга олиб, бу иш билан жиддий шуғулланишлари керак.

«Қизил Ўзбекистон» газетаси мухбирлар постининг аъзолари: **Р. НАЗАРОВ** — агроном, **А. ОХУНБОЕВ** — инженер, **Н. УСМОНОВ** — «Социализм» колхози партия ташкилотининг секретари, **Т. МАДАЗИМОВ** — техника назоратчиси, **С. ТОЖИБОЕВ, Х. САИДАҲМЕДОВ** — район газетасининг ходимлари, **И. ТУХТАСИНОВ** — «Қизил Ўзбекистон» мухбири.



1959 йил «оқ олтин»ни машинада териб олишда кескин бурилиш йили бўлди.

Етти йилликнинг иккинчи йилида янада каттароқ майдонлардаги ҳосил машинада териб олинади. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охуновадан ибрат олган жуда кўп қиз-жувонлар пахта териш агрегатини кунт билан ўргапмоқдалар. Ўтган йили мавсумда 251 тонна пахта терган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мелиқўзи Умурзонов изидан бориб механик-ҳайдовчиликка ўқиёт г а н йигитлар сонн ҳам кўпаймоқда.

Республикамиз машинасозлари ишлаб чиқарган «ХВС—1,2» пахта териш машинаси дунёда энг яхши машина эканлигини кўрсатди. Область колхоз ва совхозларидан ана шу агрегатларни юборишни сўраб заказлар бераётир. СУРАТДА: «ХВС—1,2» машинаси Хоразм область колхозларига жўн а т н. лаётир.

Л. ЕЛАГИН фотоси
(ЎзТАГ фотохроникаси).

ТЎРТКЎЛНИНГ ТУРСУНОЙЛАРИ

Йирик пахтакор Тўрткўл районида 60 га яқин хотин-қиз механик-ҳайдовчилар тайёрлаш курсларида ўқимоқда. Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Олмахон Раззоқова Димитров номли колхознинг донгдор теримчиларидан ҳисобланади. У, ўтган йили 21 тонна пахта терди.

— Терим машинасини фақат эркакларгина бошқаради, деб ўйлар эдик, — дейди ўртоқ Раззоқова, — дугонамиз Турсунойнинг ўтган йилги иши ғайратимизни оширди. Техникани бошқариш, машинада пахта теришга бизнинг ҳам қурбимиз етишига ишонч ҳосил қилдим. Колхоз правлениеси бу йил мени звено бошлиғи қилиб, 50 гектар ер ажратиб берди. Бунинг ҳаммасига чигит квадрат-уялаб экилади. Гўза кетмонсиз ишланади. Пахтанинг ҳаммасини машинада териб оламиз. Шу мақсадда райондаги 1-РТС ҳузурида ташкил қилинган механизаторлар тайёрлаш курсида кунт билан ўқимоқдаман. Бу касбни албатта эгаллаб, агрегатни ўзим бошқараман.

Райондаги Максим Горький номли колхознинг илғор теримчиси Ўрозгул Болтабоева ҳам Турсуной Охунова ва Ойим Камоловаларнинг ташаббусига қўшилиб, механизаторлар тайёрлаш курсида ўқимоқда. Колхоз правлениеси ўртоқ Болтабоеванинг илтимосини қондириб, уни 180 гектарли комплекс механизация бригадасига бошлиқ қилиб тайинлади.

— Мен ҳам дугоналарим қатори механизаторлик касбини ўрганиш учун ўқиётирман, — дейди «Ленинград» колхозининг звено бошлиғи Ёқутжон Юлдузбоева, — бу йил звенодаги 50 гектар майдоннинг ҳаммасига чигитни режа сими билан экишни, гўза қатор ораларини механизм билан икки томонлама ишлашни кўзда тутмоқдамиз.

Бултур звеномизда 25 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштирган бўлсак, ҳар бир ишловчига етиштирилган пахта 14 тоннадан тўғри келди. Бу йил 50 гектарнинг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил етиштирамиз. Бутун ишни механизм билан бажариб, ҳар бир ишловчи ҳисобига 20 тоннадан ҳосил етиштирамиз. Ўзим машинада 150 тонна пахта териб бераман.

Райондаги «Қизил Ўзбекистон», Ленин номли, Сталин номли, «Намуна», Фрунзе номли колхозларда ҳам хотин-қизлар зўр бериб техникани ўрганаётирлар.

Ҳ. АРЗИБЕКОВ, Ю. СОБИРОВ, Ж. АЙТИМБЕТОВ,
«Қизил Ўзбекистон»нинг Тўрткўл районидаги мухбирлар пости аъзолари.

С. МАДАМИНОВ,
«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

СИФАТЛИ УРУҒЛИК ЕТИШТИРАМИЗ

Пахта ҳосилининг мўл бўлиши уруғлик чигитга ҳам боғлиқдир. Ҳар бир районнинг ўзида етиштирилган уруғлик шу районнинг тупроқ-иқлим шароитига мослашган бўлади, бундай чигит экилса, ҳосил сезиларли даражада кўпаяди, гўза касалликларга чидамли бўлади, пахта толасининг технологик хусусиятлари яхшиланиб боради.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ўтган йили «Пахта селекцияси ва уруғчиликни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида» деб чиқарган қарорида уруғчиликни яхшилаш йўллари ҳам кўрсатиб берилган. Шу муносабат билан ўтган йили Тўрақўрғон районидаги «Гигант» колхозида уруғчилик хўжалиги ташкил қилинди. Бу хўжалик олдига шу зонада 50 минг гектар пахта майдонини юқори сифатли уруғлик чигит билан таъминлаш вазифаси юкланган.

Дастлабки йилда уруғчилик хўжалигида 50 тонна ўрнига 114 тоннадан ортиқ пахта етиштирдик. Шу пахтадан олинган чигитни бу йил 2000 гектарга яқин ерга экамиз. 1961 йилдан бошлаб, колхоз қўшни хўжаликларга уруғлик чигит етказиб бера бошлайди.

Ҳозир колхознинг уруғчилик хўжалиги мутахассислари, колхозчилар ва механизаторлар сифатли уруғлик етиштириш чораларини кўрмоқдалар ва кўкламга тайёргарликни кучайтириб юбордилар. Ҳамма майдонлар ўгит солиниб, шудгорлаб қўйилган. Ерларнинг шўри 2 марта ювилди. Маҳаллий ўгит чиқариш қизғин бормоқда.

Ўтган йили гўза 55х55 сантиметр схемасида жойлаштирилган эди. Натижада июлнинг иккинчи ярмида қатор ораларини ишлаш қийинлашди. Шуни ҳисобга олиб, колхоз правлениеси чигит экишда 60х60 сантиметр схемасидаги сеялкалардан фойдаланишни лозим топди. Чигит экиш агрегатларининг экипажлари махсус курсларда ўқитилди.

«Гигант» колхози давлатга кўп ва арзон пахта, Тўрақўрғон район колхозларига сифатли уруғлик чигит етиштириб беради.

Ш. МАТКАРИМОВ,
Тўрақўрғон районидаги «Гигант» колхозининг уруғчилик агрономи.

45 ЦЕНТНЕРЧИЛАР АМАЛИЙ ИШДА

Наманган районидаги Сталин номли колхоз аъзолари юқори ҳосил мусобақаси ташаббускори бўлдилар. Улар 1960 йилда ҳар гектар ердан камида 45 центнердан пахта ҳосили етиштиришга аҳд қилишди. Бу ташаббус илғор хўжаликларнинг пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш ва унинг таннархини камайтириш учун мавжуд резервлардан тўла фойдаланишга қаратилган ижодий ташаббусларининг бир кўринишидир. Шунинг учун ҳам колхозлар ўртасида мўл ҳосил мусобақаси тобора кенг тус олмоқда.

Сталин номли колхоз аъзолари етти йилликнинг биринчи йилида аввалдан пахта етиштирилиб келинаётган 1300 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 42 центнердан ҳосил йиғиб олишга муваффақ бўлдилар. Марказий Фарғонадаги 720 гектар янги ерлардан олинган ҳосилни қўшиб ҳисоблаганда, колхоз давлатга ҳаммаси бўлиб 6 минг 700 тонна пахта сотди.

Пахтадан юқори ҳосил етиштиришнинг энг муҳим омилларидан бири трактор ва бошқа механизмлардан унумли фойдаланилаётганлигидир. Колхозда 60 та трактор бор. Бу механизмларни колхознинг ўзидан чиққан 90 та яқин механизаторлар ишлатадилар.

Агротехниканинг тўғри қўлланилиши мўл ҳосил етиштиришда катта аҳамиятга эга. Колхоз бош агрономи Абдуллажон Мўминов ўз ишининг жонкуяри. Абдуллажондан ташқари колхозда агрономлик маълумотига эга бўлган 8 киши бор. Улардан, Маматхон Низомов, Муҳсинжон Нуъмонов, Абдураҳмон Жўраевлар пахтачилик бригадаларига бошчилик қилмоқда ва ҳар гектар ердан 42 ва ундан ортиқ ҳосил олмоқда.

1960 йил учун олинган социалистик мажбуриятни бажариш учун колхозда ўтган йил кузидан буён қизғин кураш давом этмоқда. Колхозда 36 та пахтачилик бригадаси ташкил қилинди. Уларнинг 33 таси трактор-далачилик бригадаларидир. 1958 йилда 300 гектар ерагина чигит квадрат-уялаб экилган эди. Бу йил эса 1800 гектар ерга чигит режа сими билан квадрат-уялаб экилади. 1400 гектар ердаги гўза кетмонсиз парвариш қилинади. Чигит экишни қисқа муддат ичида ва сифатли ўтказиш учун 36 та сеялка ва экипажлар тайёр қилиб қўйилди. 200 кишига яқин экипаж составн ўқитилди. Бригада бошлиқларидан 22 киши тракторчилар тайёрлаш курсларида ўқимоқда.

Бу йил пахта ҳосилини машинада териб олишга янада зўр аҳамият берилади. Бунинг учун 650 гектар ерга чигит ҳосилини машинада теришга мослаштириб экилади. Бошқа механизмлар қаторида колхозда ги 6 та пахта териш машиналари ҳам ремонтдан чиқариб қўйилди. Пиғим-терим бошлангунча яна 2 та янги пахта териш машинаси сотиб олинади.

Ҳозир колхозчиларнинг бутун эътибори кўпроқ маҳаллий ўгит тўплаш ва тайёрлашга қаратилган. Колхоздаги экин майдонларининг ҳар бир гектарига камида 20 тоннадан маҳаллий ўгит солиниши керак. 60 та автобричка, 15 та автомашина ва 400 колхозчи гўнг тайёрлаш билан банд.

Қишлоқ хўжалик артели аъзолари хўжаликнинг ҳамма соҳаларини комплекс ривожлантириш, социалистик деҳқончилик маданиятини янада ошириш учун, пахтачиликни комплекс механизациялаш суръатларини янада тезлаштириш учун тинмай кураш олиб бормоқдалар.

М. РАҲИМОВ, Н. ҲАКИМОВ.

АҲДИМИЗ ЗЎР

Фарғона областидаги «Сўх» совхози коллективи етти йиллик планни беш йилда бажаришга қарор қилди. Бу ерда 1800 гектар майдонга картошка экиб, гектаридан 150 центнердан ҳосил олинади. Экин экиладиган ҳар юз гектар ер ҳисобига қорамоллар сони 33 бошга, шу жумладан, сигирлар 12, чўчқалар 15, қўйлар 110 бошга етказилади. Шу билан бирга моллар наслини яхшилашга алоҳида эътибор берилади.

Картошкага ажратилган 1800 гектар, маккажўхори экиладиган 600 гектар майдон шудгор қилиб қўйилди. Далага маҳаллий ўгит чиқариш, ариқ-зовурларни тозалаш ишлари қизитиб юборилди.

Чорвачиликни ривожлантириш учун мустаҳкам озуқа базаси яратиш мақсадида ем-хашак бўладиган экинлардан мўл ҳосил олишга алоҳида эътибор берилади.

Совхознинг «Коммунизм» бўлимида ҳар гектар экин майдонига 8 тоннадан маҳаллий ўгит тайёрланди. Бошқа бўлимларда ҳам маҳаллий ўгит тўплаш қизитиб юборилди.

Экинларни прогрессив усулда экиш ва парвариш қилиш учун механизаторлар пухта тайёрланмоқдалар. Ҳозир 40 киши ўқимоқда.

«Қизил Ўзбекистон» мухбирлар постининг аъзолари:
У. Ҳамдамов, О. Урунов, З. Миров.

СУСТКАШЛИК

Урганч район пахтакорлари ўтган йили давлатга 41,6 минг тонна «оқ олтин» топшириб, социалистик мажбуриятларини ҳам ошириб бажарган эдилар.

Яқинда бўлиб ўтган район қишлоқ хўжалик илғорлари кенгашида бу йил 45 минг тонна пахта етиштириш тадбирлари белгиланиб, катта мажбуриятлар олинди.

Бу улуғвор вазифани адо этиш учун қишки дала ишларини пухта уюштириб, кўкламги экиш кампаниясига ҳамма нарсани тахт қилиб қўйиш керак. Хоразм области шароитида экишдан аввал ерларнинг шўрини камида 3 марта ювиш талаб қилинади.

Урганч районидаги Қуловот, Дўрманёп ва бошқа каналларни тозалаш ўз муддатида тугалланган бўлса ҳам, қатор ирригация шоҳобчаларини тозалаш кечиктириб юборилмоқда. Масалан, Кумёп каналини тозалаш ишлари фақат 65 процент бажарилган. Бу каналдан сув ичадиган Сталин номли, Ленин номли, «Комсомол» колхозлари каналини тозалашга ўз вақтида ишчи кучи ажратмадилар. Чапаев номидаги ва Қарманёп каналларини тозалаш ҳам чўзилиб кетмоқда.

Чапаев номли каналнинг 5 километр узунликдаги қисми механизм билан тозаланиши керак эди. Афсуски, ҳозиргача 3 километри тозаланган. Урганчарна каналида ишлаётган 896-экскаватор бир кун ишласа бир ҳафта ишламайди. Бундан хабардор бўлган Қуйи Амударё экскаватор станцияси директори Ф. Н. Першин, бош инженери Р. Ким ўртоқлар ишдаги сусткашликни бартараф қилиш чораларини кўрмаётирлар.

Колхозларнинг ички ариқларини тозалашда 220 минг кубометр ҳажмида тупроқ қазиш ишлари тугалланиши ҳақида графиклар тузилган эди. Аммо, шу кунгача 145 минг кубометр ҳажмидаги қазиш ишлари бажарилган, холос. «Москва», «Сталинград» колхозларида айниқса ички ариқ ва зовурларни тозалаш ниҳоятда қониқарсиз аҳволда.

Районнинг Янгибозор участкасидаги колхозлар умуман кўкламга қониқарсиз тайёрланмоқдалар. Кўпчилик колхозларда катта майдондаги ерлар ҳали гўзапоядан тозаланмаган. Ерларнинг шўрини ювиш учун пол кўтариш ишлари ҳам ўз оқимига ташлаб қўйилган.

Район партия комитети (секретари ўртоқ Р. Ғойибов) ва район ижроия комитети (раиси ўртоқ М. Қаландарова) райондаги ариқ ва зовурларни тозалаш ва шўр ювишнинг ўз вақтида ўтказилиши учун барча имкониятларни ишга солишлари зарур.

«Қизил Ўзбекистон» газетасининг мухбирлар пости аъзолари:

Н. ЖУМАНИЁЗОВ,
район ишлаб чиқариш участкасининг инженери.

С. САИДЖОНОВ,
область молия бўлимининг ходими.

С. ИБРОҲИМОВ,
«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

ЎГИТ ИСРОФ БЎЛМОҚДА

Бухоро билан Свердлов райони бир-бирига қўшни. Бу икки район колхозлари ер, сув, ишчи кучи, техника жиҳатдан бир-биридан деярли фарқ қилмайди. Аммо бир хил шароитдаги бу ҳар иккала районда пахтадан ҳосил етиштиришда катта тафовут бор. Ўтган йили Свердлов райони ички резерв ва имкониятлардан тўғри фойдаланиб, гектаридан 27 центнердан пахта топширган бўлса, Бухоро райони ҳосилни зўрға 17 центнерга етказди.

Нега шундай? Нима учун Бухоро район колхозларида пахтадан бунчалик кам ҳосил олиняпти? Биз бунинг сабаблари билан қизиқдик. Районда ернинг ҳосилдорлигини оширишга етарли эътибор берилмаётир. Ҳар йили кузда ва қишда ерга маҳаллий ўгит солиш юзасидан яхши тадбирлар кўрилади, колхозлар ва далачилик бригадаларига топшириқлар берилади. Амалда бу муҳим иш бажарилмайди.

Пирик пахтакор ҳисобланган бу районда 1960 йил ҳосили учун маҳаллий ўгит тўплаш ва далага чиқариш ҳозир ҳам ёмон аҳволда. Район қишлоқ хўжалик инспекциясидаги маълумотларда тайёрланган ўгит гектарига 10 тоннадан ошириб кўрсатилади.

Биз Калинин номли колхозда бўлдик. Колхознинг 732 гектар пахта ери учун 9965 тонна маҳаллий ўгит тайёрланганлиги ҳақида ҳужжатлар бор. Район маълумотида эса бу янада кўпайтирилган, унда 13 минг 981 тонна қилиб кўрсатилган. Маълумотдаги бу чатоқликни колхоз раиси ўртоқ Т. Жўраевдан сўраганимизда у «адашибдир» деб қўя қолди.

Колхознинг Остон Йўлдошев бошдиқ бригадасида гектарига 40 тоннадан, Галой Раҳматов бошлиқ бригадасида 30 тоннадан маҳаллий ўгит тайёрланипти. Агар булар тўғри бўлса, далани ўгит босиб кетган бўлар эди. Аслида бундай эмас. Далаларни кезиб кўрганимизда бунчалик кўп ўгит тўпланганига ишонч ҳосил қилмадик, ўгит ташиётган бирор машина ва аравани учратмадик.

Райондаги «Ленинград», Охунбоев номли, Энгельс номли, Ленин номли колхозларда маҳаллий ўгит тайёрлаш ўзибўларчиликка ташлаб қўйилган. Ариқдан қазиб чиқарилган лойқа ва кўпйиллик эски девор тупроқларини ташиб ерга солиш йўлга қўйилмаган. Энгельс номли колхозда маҳаллий ўгит тўплаш плани атиги 38 процент бажарилган. 2050 гектар пахта майдонига эга бўлган Ленин номли колхозда 50 арава ва 13 юк машинанинг кўпи ўгит ташишга сафарбар қилинмаган. Колхознинг Маматжума Назарўзов, Жумақул Ражабов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида гўнгхоналар йўқ. Ўгит қаер тўғри келса, ўша жойга тўкиб кетилаверган.

Шаҳар атрофига жойлашган Бухоро район колхозларида маҳаллий ўгитни кўп тўплаш учун катта имконият бор. Колхозларнинг правлениелари бу имкониятлардан тўғри фойдаланишлари, экишгача ерни кўпроқ ўгитлаш тадбирларини кўришлари керак.

«Қизил Ўзбекистон»нинг мухбирлар пости аъзолари:

А. БОЗОРОВ,
«Маданият» колхозининг агрономи.

Қ. САТТОРОВ,
Пушкин номли ўрта мактабнинг директори.

Калинин районидаги Сталин номли колхоз теплица хўжалигида помидорлар ғарқ пишган. СУРАТДА: Карима ТУРСУНОВА помидор гулларини чанглатмоқда.

Р. Шамсутдинов фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси)

ҚАРДОШ СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАРДА

ХХР

УХАНЬ — ХИТОЙ ИФТИХОРИ

МАРКАЗИЙ ХИТОЙДА, ЯНЦЗИ ДАРЁСИНИНГ ЧАП ҚИРҒОҒИДА тез суръатлар билан жуда катта Ухань металлургия комбинати қурилмоқда. Бу комбинат Аньшань металлургия комбинатидан кейин республиканинг иккинчи металлургия базаси бўлади. Ҳозирги вақтда Ухань металлургия комбинатида йирик блюминг цехи қурила бошланди. Ухань блюмингни Хитойнинг ўзида ишлаб чиқариладиган дастлабки блюминг бўлиб, унинг машина-ускуналари хитой инженерларининг лойиҳалари бўйича Хитой Халқ Республикасининг заводларида тайёрлаб чиқарилади. Блюминг цехи йилига бир миллион тоннагача прокат беради.

1957 йилдан бери Уханда иккита кучли домна ва учта мартен печи, учта кокс батареяси, руда бойитиш ва агломерация фабрикалари ҳамда кўпгина бошқа объектлар ишга туширилди. Совет Иттифоқининг ёрдами билан қурилаётган Ухань комбинати республиканинг жуда йирик металлургия корхоналаридан бири бўлиб қолади. Бу корхона тўла ишга туширилгач йилига 3 миллион тонна пўлат, яъни 1955 йилда бутун Хитойда эритилганидан кўп пўлат, шунингдек жар хил чўян ва прокат бера бошлайди.

РУМИНИЯ

1959 ЙИЛ — ҲОСИЛ ЙИЛИ БЎЛДИ

ЎТГАН ЙИЛИ РУМИНИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИДА қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан мўл ҳосил олинди. Жумладан, 11 миллион тоннадан ортиқ ғалла, ўтган йилдагига қараганда 2 миллион тоннадан ортиқ қанд лавлаги ва 300 минг тоннадан кўп кунгабоқар ҳосили йиғиб олинди. 1959 йилда социалистик сектор 1957 йилдагига қараганда икки баравардан ортиқ қишлоқ хўжалик маҳсулоти берди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун ажратиладиган капитал маблағлар йил сайин кўпаймоқда. Бу йил қишлоқ хўжалигига сарф қилинадиган капитал маблағлар қарийб 4,4 миллиард лей кўпаяди, бу эса 1959 йилда ажратилган маблағлардан 25 процент зиёддир.

Мамлакат далаларида ҳозир 40 мингдан ортиқ трактор, 11 минг-та дон комбайнлари, 20 минг сеялка ва бошқа кўпгина қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб турипти. Бу йил МТСлар давлат хўжаликлари ва коллектив қишлоқ хўжаликлар яна 11 минг трактор, 5 минг комбайн ва бошқа техника оладилар.

ВДР

ХАЛҚ СОҒЛИҒИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

1959 ЙИЛДА ВЬЕТНАМ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚЛАРИДА медицина муассасалари шохобчалари кенгайди. Бу шохобчалар 10 миллиондан кўпроқ деҳқонга хизмат кўрсатмоқда. Вьетнам ахборот агентлигининг хабарига қараганда, ҳозирги вақтда ҳар икки қишлоқда касалхона ва туғруқхона бор.

Вьетнам Демократик Республикасида фармацевтика саноати тез ривожланмоқда. Ҳозирги вақтда республикада 1939 йилдагига нисбатан 10 баравар кўп дорилармон тайёрланаётир.

МУҒУЛИСТОН

РЕЖАЛАР КАТТА

1960 ЙИЛДА МУҒУЛИСТОН ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИДА саноат ишлаб чиқариши янада ривожланади.

Монцамэ агентлигининг хабарига кўра саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш пул билан ҳисоблаганда 590,4 миллион тугрикни ташкил қилади ва ўтган йилдаги ялпи маҳсулот ҳажмидан 33,3 процент ортади.

Бу йил Мўғулистон Халқ Республикаси саноат министрлигига қарашли корхоналарнинг маҳсулоти 43,6 процент ортади. 1960 йилги ишлаб чиқариш планларида кўмир қазиб чиқаришни, электр қуввати, бинокорлик материаллари, кенг истеъмол буюмлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни анчагина кўпайтириш кўзда тутилади.



ВЕНГРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ. СУРАТДА: Печ шаҳрида қурилган янги уй-жой бинолари. (ТАСС фотохроникаси).

ИНДОНЕЗ ХАЛҚИНИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИГА МУҲАББАТИ ЗЎР

ЖАКАРТА, 23 февраль. (ТАСС). Ҳурматли совет меҳмони Индонезия бўйлаб сафар қилган сари Индонезия халқи билан учрашувлар ҳам кўпаймоқда, Индонезия халқининг Совет Иттифоқига ҳурмати тўхтовсиз ўсиб бормоқда.

Маҳаллий газеталарнинг мухбирлари бугун Сурабайядан хабар берадилар: СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг шаҳар аҳолиси билан кечаги учрашуви ўз ҳажми ва самимияти жиҳатидан олдинги ҳамма учрашувлардан ортиқ бўлди. Газеталарнинг таъкидлаб айтишича, бутун шаҳар халқи Индонезия ва Совет Иттифоқининг байроқлари билан, табрик шиорлари ва тинчлик эмблемалари билан безатилган кўчаларга чиқди. Аэродромдан оммавий митинг ўтказилган стадионгача ҳамма йўл байрам либосини кийган кишилар билан тўлган эди. Улар Н. С. Хрушчевни, президент Сукарнони ва уларнинг ҳамроҳларини қизғин табрикладилар.

Газеталар Сурабайя ва атроф қишлоқларнинг аҳолисигина эмас, балки Шарқий Явадаги бошқа шаҳарларнинг аҳолиси ҳам Совет ҳукумати бошлигини кутиб олганлигини алоҳида уқтириб ўтадилар. Газеталарнинг хабар беришича, Мадура оролида яшовчи кишилар бош министр Хрушчевни келиб кўриш учун денгиз ошиб ўтганлар.

Жакартада бугун чиққан газеталар совет меҳмонларининг Сурабайяда бўлиши тўғрисидаги батафсил ҳисоботларни босиб чиқардилар ва Н. С. Хрушчевнинг оммавий митингда айтган қуйидаги сўзларини алоҳида таъкидлайдилар: «Кейинги йилларда тинчликсевар мамлакатларнинг зўр ғайрат билан ишлаши натижасида халқаро кескинлик анча юмшади. Аммо хотиржам бўлмоқ учун ҳали фурсат бор. Баъзи мамлакатларда халқаро кескинликни сақлаб қолиш ва ҳатто, авж олдиришдан ўзлари учун манфаат кўраётган таъсирли доиралар ва группалар ҳали ҳам борлигидан кўз юмиш ярамайди».

«Харнан ракьят» газетаси ўзининг халқаро обзорчиси мақоласини босиб чиқарди. Бу мақолада Совет Иттифоқининг бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашдаги муҳим роли таъкидлаб ўтилади. «Биз шунга аминмизки, — дейилади мақолада,— империалистлар ва реакционерларнинг ҳар қандай кирдикорларига қарамай, СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг визити СССР билан Индонезия ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга, шубҳасиз, катта ҳисса қўшади ва бу визит Индонезиянинг миллий тараққиёти учун катта аҳамиятга эгадир».

СОВЕТ ЖАНГЧИЛАРИ ХОТИРАСИ АБАДИЙ ЯШАЙДИ

БЕРЛИН, 23 февраль. (ТАСС). Бугун, Совет Армиясининг 42 йиллиги кунида, Германия Демократик Республикасининг меҳнаткашлари Европа халқларини гитлерчилар зулмидан озод қилиш учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлган совет жангчиларининг хотирасини ҳурмат билан эслаб ўтдилар. Ана шу шонли йиллик муносабати билан Германия Демократик Республикасининг шаҳар ва қишлоқларида совет жангчиларининг қабрларига ва ҳайкалларига гулчамбарлар қўйиш маросими бўлиб ўтди. Ана шу маросимда Германия Демократик Республикаси саноат корхоналари коллективларининг вакиллари, меҳнаткаш деҳқонлар, зиёлиларнинг вакиллари, давлат ва сиёсий арбоблар, Миллий халқ армиясининг жангчилари ҳозир бўлдилар.

Берлиндаги Трептов паркида совет жангчиларига ўрнатилган ҳайкал ёнига бугун гулчамбарлар қўйиш тантанали маросими бўлди. Мингларча берлинликлар билан биргаликда бу ерга Германия Демократик Республикаси Халқ палатасининг вакили И. Дикман, Демократик Германия Миллий фронти Миллий кенгашининг раиси Э. Корренс, Германия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари М. Рейман, Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар, министрлар, дипломатик корпуснинг аъзолари ҳам келдилар.

Маросимда СССРнинг Германия Демократик Республикасидаги элчиси М. Г. Первухин, Германиядаги совет қўшинлари группасининг бош қўмондони Совет Иттифоқи Маршали М. В. Захаров, Совет Армиясининг генераллари ва офицерлари, совет элчихонасининг ходимлари ҳам ҳозир бўлдилар.

Ҳайкал ёнига Германия Демократик Республикасининг президенти Вильгельм Пикдан, Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетидан, Германия Демократик Республикаси Министрлар Советидан, Германия Демократик Республикаси Халқ палатаси президиумидан, Демократик Германия Миллий фронти Миллий кенгашидан, Германия Коммунистик партияси Марказий Комитетидан гулчамбарлар қўйилди.

СССРнинг Германия Демократик Республикасидаги элчихонаси д а н, Германиядаги совет қўшинлари группасининг бош қўмондонидан, шунингдек дипломатик корпусдан ҳам гулчамбарлар қўйилади.

Гулчамбарлар қўйиш вақтида Миллий халқ армиясининг фахрий қоровули саф тортиб турди ҳамда Совет Иттифоқи ва Германия Демократик Республикасининг давлат гимнлари ижро этилди.

Ғарбий Берлиннинг Тиргартен районида совет солдат ва офицерларига ўрнатилган ҳайкал ёнига ҳам гулчамбарлар қўйилди.

Чет эл хроникаси

СУКАРНО ИРОҚҚА БОРАДИ

ЖАКАРТА, 23 февраль. (ТАСС). Жакарта радиосининг берган хабарига кўра, Индонезия президенти Сукарно Ироқ бош министри Абдул Қосим таклифига мувофиқ шу йил апрель ойининг бошларида Ироққа боради.

ЭЙЗЕНХАУЭР БРАЗИЛИЯДА

НЬЮ-ЙОРК, 23 февраль. (ТАСС). Лотин Америкаси бўйлаб саёҳат қилаётган Америка Қўшма Штатларининг президенти Д. Эйзенхауэр бугун Бразилияга келган.

ЭЛЧИЛАР УЧРАШДИ

ВАРШАВА, 24 февраль. (ТАСС). Польша матбуот агентлигининг билдиришича, кеча Варшавада ХХР ва АҚШ элчилари яна учрашиб, икки соат музокара қилган.

«МОСКВИЧ» АВТОМАШИНАЛАРИ ҒАРБИЙ ГЕРМАНИЯДА

БОННГ, 23 февраль, (ТАСС) Кеча Мюнхенга «Москвич» автомашиналари келтирилди. Совет автомашиналари Совет Иттифоқи билан Ғарбий Германия ўртасида тузилган савдо битимига мувофиқ ГФР га юборилмоқда.

«Зюддейче цейтунг» газетасининг ёзишича, Мюнхенга келтирилган ҳамма «Москвич» сотиб бўлинган.

ГФР ҚУРОЛЛАНМОҚДА

БОННГ, 23 февраль. (ТАСС). «Парламентариш-политешер прессединст» пресс-бюллетенининг хабар беришича, Германия Федератив Республикаси ҳукумати бундесвер учун АҚШ дан «Сержент» типидаги 100 та ракета сотиб олади.

СКВО ВЭЛЛИДА

СКВО ВЭЛЛИ, 24 февраль. (ТАСС). Папуэ-Пик тоғларининг этаклари кеча тоғ чанғичи хотинқизларининг кескин спорт қурашлари жойи бўлди. 382 метр баландликдаги шалоласи бўлган 1.300 метр масофали дистанцияда пастга тушишда спортчи хотинқизлардан 44 киши, шу жумладан совет чанғичиларидан С. Корзухина, Е. Кабина ва Л. Волковалар қатнашдилар.

21 ёшлик И. Рюэг (Швейцария) биринчи ўринни ва олимпия олтин медалини олишга муваффақ бўлди. У, ана шу масофани 1 минут 39,9 секундда босиб ўтди. Американинг ёш спортчиси П. Питоу ўз командасига биринчи кумуш медалини берди. У ана шу масофани бир минут 40,1 секундда босиб ўтди. Учинчи ўринни эгаллаган италиялик чанғичи Д. Кенал-Минудзи америкаликдан атиги 0,1 секунд кейинда қолди, холос. Шу масофани 1 минут 40,4 секундда босиб ўтган Б. Снайт (АҚШ) тўртинчи ўринни олди.

Совет чанғичилари ичида энг яхши натижага эришган ва ана шу масофани 1 минут 45,7 секундда босиб ўтган С. Корзухина австриялик спортчи П. Франдель билан 21- ва 22-ўринларни бўлишиб олди. Шу масофани 1 минут 48,9 секундда босиб ўтган Л. Волкова 30-ўринни эгаллади. Шу масофани 1 минут 50,0 секундда босиб ўтган Е. Кабина Волковадан кейин турибди.

СКВО ВЭЛЛИ, 23 февраль. (ТАСС). Беш кундан бери ўтаётган VIII қишки олимпия ўйинлари бугун 15 километрга чанғида югуриш билан бошланди.

Асосий қураш Скандинавия ва совет чанғичилари ўртасида бўлди. Шундай бўлиши кутилган эди ҳам. Швеция чанғичиларидан уч киши, у ҳам бўлса Стефансон, Ернберг ва Рэмгорд беш километрлик манзилда энг яхши натижага эришдилар. Совет чанғичиси Ваганов Рэмгорддан бир ярим секунд кейинда қолди. Аникин еттинчи ўринни олди.

Ўн километр масофани Ернберг ҳаммадан тез босди. Норвегиялик Брусвеен билан фин Хакулинен ҳам Ернберг билан деярли бирга келдилар. Ваганов аввалгидек тўртинчи ўринда борди.

Охирги масофага югуришда Х. Брусвеен ҳаммадан олдинга ўтиб олиб, бутун масофани 51 минут 55,5 секундда босиб ўтди ва энг яхши натижани кўрсатди.

30 километрлик масофага югуришда ғолиб чиққан С. Ернберг (Швеция) иккинчи ўринни ва кумуш медаль олишга муваффақ бўлди. У ана шу масофани 51 минут 58,6 секундда босиб ўтди. Шу масофани 52 минут 0,3 секундда югуриб ўтган фин чанғичиси Хакулинен учинчи ўринга чиқди. Совет спортчиси Г. Ваганов билан Э. Естбю (Норвегия) шу масофага югуришда 52 минут 18 секунддан иборат бир хилдаги натижага эга бўлиб тўртинчи ва бешинчи ўринларни бўлишиб олдилар.

БУГУН ТЕЛЕВИЗОРДА

19.30. Ёшлар учун **«Истиқбол эгалари»** телевизион журнали. 20.10. Ўзбек тилида. **«Саноатлашган Олмалиқ»** деган эшиттириш. 20.25. **В. И. Ленин туғилган кунининг 90 йиллиги олдидан «Бу республикамиз учун зарур»** деган фильм. 20.35. Сўнгги ахборот. 21.15. Киноповесть — **«Иристон ўғли»**



Республикамизда ўй-жой бинолари кўплаб қурилаётганлиги туфайли техник қурувчиларга эҳтиёж тобора ортмоқда. Шунинг учун ҳам суратдаги ана шу икки ёшнинг — Тошкент коммунал қурилиш техникуми студенти А. ҒАЙНУЛЛАЕВАнинг ўқитувчи А. Марков раҳбарлигида амалий машғулотларни пухта ўтказаётганлиги бечиз эмас.

С. НУРМУҲАМЕДОВ фотоси.

Тошкент янгиликлари

▲ Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари давлат лойиҳалаш институти янги лойиҳалар ишламоқда. Институт коллективи иккита таксамотор парки қуради. Автомобиль хўжалиги объектларини газификациялаш ишлари ҳам тугалланади.

▲ Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриётининг ташкил топганига 25 йил тўлди. Бундан 25 йил илгари Республика Халқ Комиссарлари Совети Ўзбекистон ССР Фанлар комитети қошида илмий-техника нашриёти ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилган эди.

▲ М. Горький номидаги рус драма театри томошабинларга Достоевскийнинг «Жиноят ва жазо» асарини кўрсатди. Спектаклда театрнинг етакчи артистлари қатнашди.

▲ Ўзбекистон ССР спорт жамиятлари ва ташкилотлари союзи 1960 йилда бўладиган республика спорт мусобақалари календарь планини нашр қилди. Календарь планида бу йил ўтказиладиган спорт мусобақаларининг барча турлари кўрсатилган.

БИЛДИРИШ

26 февраль кеч соат 7 да «Правда Востока», «Қизил Ўзбекистон» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётида (Правда Востока кўчаси, 34-уй) Тошкент шаҳар журналистлари учун «Очерк» деган темада лекция бўлади.

Ўзбекистон журналистлар союзи.

ХОРАЗМДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ЎРНАТИЛИШИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ

Кеча республика Фанлар академияси тарих ва археология институтида Хоразм областида Совет ҳокимияти ўрнатилганига 40 йил тўлишига бағишланган илмий йиғилиш бўлди.

Йиғилишда Хоразмдаги революцион ҳаракатнинг актив қатнашчиларидан Қ. Эшмуҳамедов, И. И. Федько, М. Оҳангаров ва И. В. Гадецкий ўртоқлар ўз хотираларини сўзлаб бердилар. **К. ФОЗИЛХЎЖАЕВ.**

КИМ ЧЕМПИОН БЎЛАДИ?

Пойтахт биринчилиги учун ўтказилган финал мусобақалар 40 кун давом этди. Биринчи уч ўриннинг тақсимланишида охирги турдаги Бирбрагер-Елистратов, Илязов-Хўжаев ва Хасидовский-Ҳожибеков учрашувларининг натижалари муҳим аҳамиятга эга эди. Агар Бирбрагер Елистратов устидан ғалаба қилганда унга ҳеч ким ета олмас эди. Бироқ Бирбрагер бу натижага эришиш учун қанчалик кўп уринган бўлса-да мақсадига эриша олмади. Бу партия Бирбрагернинг позицион устунлиги билан кечиктирилди. Аммо, ўйин давом эттирилиб, дуранг билан якунланди. Илязов-Хўжаевларнинг кечиктирилган партиясида Хўжаевнинг аҳволи бирмунча оғирлашди. Лекин у ўйин техникасини ишга солиб, қаршиликни тўхтатмади. Шу орада Илязов ноаниқликларга йўл қўя бошлаб, мағлубиятга учради.

Ҳожибеков Хасидовскийга ютқазди.

Кескин қурашлар остида ўтган бу мусобақада 11,5 тадан очко олган мастерликка кандидатлар Бирбрагер ва Зокир Хўжаев биринчи ва иккинчи ўринларни эгалладилар. Шундай қилиб, чемпионлик ҳозирча ҳал бўлмай қолди. Бу ном учун якинда 4 партиядан иборат матч ўтказилади.

М. МУҲИДДИНОВ,
СССР спорт мастери.

Редактор И. РАҲИМОВ.

ЗАВОД—МАКТАБГА

Чирчиқ шаҳридаги электрокимё комбинати коллективининг мактабга оталикни яхшилаш ва мактабда ва уйда болалар тарбияси билан жиддий шуғулланиш муносабати билан бошлаган ташаббуси кенг жамоатчиликни ниҳоятда хурсанд қилган эди. Заводимиз коллективи ҳам кимёгарлар ташаббусига қўшилиб, мактабларга оталикни яхшилаш юзасидан бир қатор тадбирлар белгилаб чиқди.

Завод бир неча йилдан бери шаҳардаги 2- ва 9-мактабларга оталик қилади. Мактабнинг ҳаёт билан алоқасини мустаҳкамлаш ва халқ маорифи системасини янада ривожлантириш тўғрисидаги Қонундан кейин машинасозларимиз мактабга яқиндан ёрдам бериш ва болаларнинг ўқиши ва тарбиясини яхшилаш соҳасида бир қатор ишлар қилдилар. Завод коллективининг ёрдами билан оталикдаги ҳар иккала мактабда слесарь ва дурадгорлик устахоналари қурилди, география майдончаси ташкил этилди, мактабларнинг устахоналари мунтазам равишда турли материаллар ва асбоб-ускуналар билан таъминлаб турилди. Завод ишчилари ва мутахассислари юқори синф ўқувчиларига катта ёрдам кўрсатмоқдалар. Юқори синф ўқувчиларида меҳнатга муҳаббат уйғотиш ва касб танлаш соҳасида анча ишлар қилинди. 50 дан ортиқ ўқувчи завод цехлари ва лабораторияларида шуғулланмоқдалар. Ўқувчиларга инструкторлар ва тажрибали мастерлар биркитиб қўйилди.

Завод жамоат ташкилоти болаларнинг мактабдан ташқарида дам олишини яхшилаш соҳасида ҳам қатор тадбирлар ишлаб чиқди. Яқинда завод коллективи Чирчиқ кимёгарларининг бошлаган ташаббуси муносабати билан йиғилиш ўтказиб, болаларни ўқитиш ва тарбиялашда оила ва мактабга ёрдам беришни кучайтириб юборишни лозим топди. 1960—1961 йиллар давомида оталигимиздаги мактабларнинг слесарлик ва дурадгорлик устахоналарини энг янги асбоб-ускуналар ва кўргазмали қуроллар билан таъминлашни мўлжалламоқдамиз. Яқин вақт ичида мактаб устахоналари оилага зарур бўлган қатор асбоблар ишлаб чиқаришга киришади, шунингдек, ўзларининг эҳтиёжлари учун зарур бўлган асбобларни ишлай бошлайдилар. Завод цехлари ва лабораторияларида юқори синф ўқувчилари учун жойни кўпайтира бошладик. Бундан ташқари, мактабларда иккита теплица қурилиши бошлаб юборилди. Шунингдек, уй ишлари билан шуғулланишга мўлжалланган иккита синфни жиҳозлашга киришамиз.

Завод касаба союз ва комсомол ташкилотлари мактабларда физкультура ишини яхшилашга қаратилган қатор тадбирларни ишлаб чиқди. «Меҳнат» спорт жамиятининг секциясига юздан ортиқ бола тортилиши лозим. Маданият уйи қошида ишлаб турган турли тўгаракларнинг болалар сектори анча кенгайтирилади. Завод комсомол ташкилоти ишлаб чиқариш илғорларидан 20 комсомолни пионер вожатийлар билан ишлашга ажратади. Завод фонди ҳисобидан ёз давомида 10 та ўйин ва спорт майдончаси қуриш, пионер лагерини кенгайтириш ва қайта жиҳозлашни ҳам мўлжаллаб турибмиз.

Кейинги икки йил ичида завод ўз қучоғига 200 га яқин юқори синф ўқувчиларини олди ва уларга турли ҳунарларни ўргатди. Ҳозирги кунда ана шу ёшлар завод ишчилари билан бир қаторда меҳнат унумини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун курашмоқдаларки, бу «катта кимё учун» улкан фойда келтирмоқда. Биз бундан кейин ҳам ёш ишчиларни кўпайтириш соҳасида катта ишларни олиб борамиз. Ўрта мактабни тамомлаган ёшлар орасидан юздан ортиқ малакали ишчи тайёрлаймиз.

Заводимиз коллективи ёш бўғинни — коммунистик жамият қурувчи бўғинни тарбиялаш соҳасида ўзининг куч-қувватини аямайди.

А. ЛЕВАК,
«Ўзбекхиммаш» заводи касаба союз комитети раисининг ўринбосари.

„ЎЗБЕКИСТОН“

Журналнинг февраль сони В. Дробининг «Қизлар» сарлавҳали шеъри билан очилади. Совет Армияси кунига бағишланган материаллар орасида Г. Николаевнинг «Раҳмат» ҳикояси, Халижон Бекхожиннинг «Гвардиячилар» шеъри бор.

«Баҳор гаразддуди» деган темада Гиждувон районидаги «Гулистон» колхозининг раиси Ҳамидов билан суҳбат ва бошқа материаллар берилган.

ОНА ҮЗ ЖИГАРПОРАСИДАН ВОЗ КЕЧМОҚЧИ

Бу суратдаги аёл Англиядан. Унинг исми Ада Каммингс. Ёши 38 да. Ёлғинг Уильямс деган эри майда хизматчи. Улар саккиз бола билан бир кичик хонада яшайдилар. Етиштуришда на ҳаловат бор, на ҳузур. Оғир шароит жонига теккан она саккизинчи фарзандини квартирага алмаштирмоқчи. «Пуэн де вю-имаж дю монд» номли француз журналининг ёзишича, ана шу гўдакни Ньюкаследа яшовчи фарзандсиз оила олмоқчи бўлибди. Журнал, гўдакни квартирага алмашиш маросими яқин кунларда бўлади, деб ёзади.

ОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

сузувчи қушларни

умум фойдаланадиган овлоқларда
БАҲОР ФАСЛИДА

овлаш тақиқланади

ва фақат биркитиб қўйилган овчилик хўжаликларида овчилик жамиятларининг пропускасига мувофиқ:

Ўзбекистонда — 1960 йил 1 мартдан 25 мартгача, Жанубий Қозоғистон областида — 25 февралдан 17 мартгача

ОВЛАШ МУМКИН

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Урмон хўжалиги ва табиатни сақлаш Бош бошқармасининг Овчилик ишлари бошқармаси.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 25/II да **Зайнаб ва Омон**, 26/II да **Чио-Чио-Сан.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 25/II да **Оқпадар**, 26/II да **Фурқат.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 25/II да **Раис уйланармиш.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА 26/II кеч соат 8 яримда Ўзбек давлат филармонияси хор капелласининг концерти.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Янги программа.** Артист **Нина ва Александр Капитановлар** иштирокида янги аттракцион **«Чангалзордаги ҳодиса».** Томоша кеч соат 8 да бошланади. Якшанба куни 3 марта томоша кўрсатилади. (кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да).

КИНО

Ҳўрланганлар (кенг экранли янги фильм, 1-серия) — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун).

Ижтимолик Майя — НАВОИЙ номли, «СПУТНИК» (2-залда), «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечқурун).

Сени излайман — «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН» «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Аччиқ севги — «ИСКРА» (кеч соат 9-10 ва 10.25 минутда).

Қайноқ қалб — «ЕШ ГВАРДИЯ» (кеч соат 10 да), «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 2 ва кеч 6-15 минутда), «СПУТНИК» 1-залда (кундуз ва кечқурун),

Ишлаб чиқариш цехларининг вентиляция установкаларини созлаш ва лойиҳасини тузиш ишларидан

амалий тажрибаси бўлган

ИНЖЕНЕР ЁКИ ТЕХНИК

керак

Дзержинский кўчаси, 8-уй, 2-қават, 21-хонада Бирлашган нашриётнинг бош механиги бўлимига келиб учрашилсин.

ЯРМАРКАНИ КЕЛИБ КУРИНГ!

БИРИНЧИ «ТАШПРОМТОРГ»

25 февралдан 25 апрелгача

Биринчи май бозорида **баҳор ярмаркаси очади**

Бу ерда ҳар хил ранг ва гулда газламалар, турли пойафзал, баҳорги ва ёзги кийим-кечак, атторлик, упа-элик, трикотаж, маданий товарлар, радио ва электр товарлари, идиш-товоқ, уй-рўзғор товарлари ва бошқалар

сотилади

(9,10-трамвай, 25-автобуснинг «Биринчи май бозори» остановкаси)

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: партия турмуши ва маҳаллий матбуот — 27604. Пропаганда ва чет эл ҳаёти — 31226, Совет қурилиши — 27604, Қишлоқ хўжалиги — 34455, Саноат — 34524, Адабиёт ва санъат — 32036, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524, Маҳаллий ахборот — 34780, Оммавий ишлар ва хатлар — 39005. Секретариат — 33469, 32347, Эълонлар — 28142, Коммутатор — 36334, 33262.

Р, 01597. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. А, № 47.